

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК 347.6 (575.1)**

**МАНСУРОВА ХУЛҚАР НАБИЕВНА**

**ОТА-ОНАЛАРНИНГ БОЛАЛАРИГА НИСБАТАН ШАХСИЙ  
ҲУҚУҚЛАРИ МАЗМУНИ ВА УЛАРНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

5А240103-Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик процессуал ҳуқуқи;  
ҳалқаро хусусий ҳуқуқ

Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: юридик фанлар  
номзоди, доцент У.Ш.Шорахметова**

**ТОШКЕНТ – 2015**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3-15
<b>I БОБ. Ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлари тавсифи</b> .....	
1.1. Оила ҳуқуқида шахсий номулкий ҳуқуқлар тушунчаси.....	16-19
1.2. Ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлари тавсифи .....	19-23
1.3. Ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш.....	23-32
<b>II БОБ. Ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлари мазмуни</b> .....	
2.1. Ота-она ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглиги .....	33-38
2.2. Вояга етмаган ота-онанинг ҳуқуқлари.....	38-43
2.3. Ота-онанинг болаларга таълим-тарбия беришга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	44-50
2.4. Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	50-54
<b>III Боб. Ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва жавобгарлик масалалари</b>	
3.1. Ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилиш.....	55-62
3.2. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш жавобгарлик чораси сифатида .....	63-72
3.3. Ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқларини такомиллаштириш истиқболлари.....	73-79
<b>Хулоса</b> .....	80-84
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	85-89
<b>Иловалар</b> .....	90-97

## К И Р И Ш

**Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасига мувофиқ ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқишга ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, биз ушбу норма мазмунидан шуни англашимиз мумкинки, давлатимиз томонидан ота-оналарнинг ўз фарзандлари олдидаги мажбуриятлари Асосий қонунимиз билан мустақкамлаб кўйилган.

Шунингдек, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг шиддат билан ўсиб, тобора ривожланиб бораётган мамлакатга, инсон, унинг ҳуқуқлари, манфаат ва эркинликларини ҳақиқий қадрият деб биладиган демократик, ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик институтларига эга бўлган мустақил ва суверен давлатга айланишини таъминлаб берган яна кўплаб ҳал қилувчи омилларни мисол қилиб келтириш мумкин.<sup>2</sup>

2014-йилнинг 19-февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом бола йили Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Мазкур Давлат дастурининг амалга оширилиши бола ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, яъни ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан кўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент.: /Ўзбекистон/ 2012.64-модда.

<sup>2</sup> Каримов И.А. “Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир” Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Ўзбекистон овози” газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

Бундан ташқари, Президентимиз И.А.Каримов ўзбек оиласининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида шундай дейди: “Оила-жамиятнинг негизи. Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушунишимиз лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади.

Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир”<sup>1</sup> дея таъкидлагани алоҳида аҳамият касб этади.

Айтиш мумкинки, кейинги йилларда жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний соғлом ва маънавий жиҳатдан етук бўлган авлодни тарбиялаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва бу соҳани янада такомиллаштириш, унинг амалий таъсирини ошириш ҳамда самарасини кенгайтириш борасида, жумладан, айнан вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича юзга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг махсус фармон ва қарорлари қабул қилинди, бир неча Давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланди ва таъминланмоқда.<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup> Каримов.И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Тошкент.: Ўзбекистон/, 1993. 47 б.

<sup>2</sup> Айрим туркумдаги фуқаролик ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари /Муаллифлар жамоаси/ Маъсул муҳаррир: ю.ф.д., доцент З.Н.Эсанова. –Тошкент: ТДЮИ. 2011, -21-22 б.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Фармони, 2000 йил 15 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Соғлом авлод Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори юқоридаги сўзимизнинг далили ҳисобланади.

Шу маънода олганда, фақатгина 2013 йилнинг ўзида соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2010 йилга нисбатан 3,8 баробар ошди. Бунинг натижасида 295 та тиббиёт объекти реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини жиҳозлаш даражаси 1,8 баробар ортди ва 91,7 фоизга етди, жумладан, юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозлаш даражаси 82,6 фоизни ташкил этмоқда<sup>1</sup>.

Ушбу рақамлар фақат оилавий муносабат иштирокчиларнинг биргина соғлом турмуш тарзига доир шахсий номулкий ҳуқуқларининг нечоғли рўёбга чиқаётганлигидан далолат беради.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирча шахсий номулкий ҳуқуқларни фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя қилиш, бу ҳам асосан, шаън, қадр-қиммат бўйича, шунингдек маънавий зарарни қоплаш соҳасида сезиларли равишда амалга оширилмоқда холос. Оила ҳуқуқида шахсий номулкий ҳуқуқларини қонунларда шахсий номулкий ҳуқуқларни шунчаки санаб ўтилгани, бироқ ҳуқуқ эгаси бўлган субъектнинг ваколатлари аниқ-равшан белгилаб қўйилмагани билан изоҳланади. Бу эса, оилавий муносабатларда шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга оширишда, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2014 йил 16 январь.

таъминлашда ўзига хос қийинчиликлар, ноқулайликлар вужудга келтириши табиий.

Шахсий номулкий ҳуқуқларни оилавий-ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишда халқаро стандартлар, ривожланган мамлакатларнинг бой тажрибаси мавжуд. Бинобарин, ушбу соҳада халқаро стандартларни, ривожланган мамлакатлар қонунчилик ва амалиёт тажрибасини ҳар тарафлама ҳисобга олиш ижобий аҳамиятга эга.

Одатда, оила ҳуқуқи фанида мулкӣ ҳуқуқларни, мажбуриятларни таъминлашда қонунчиликда мукамал нормалар мавжуд ҳамда уларни такомиллаштириш учун бой ва сермазмун таклифлар, ишланмалар, тавсиялар доимий равишда бериб борилмоқда. Бироқ шахсий номулкий ҳуқуқлар соҳасида айниқса, ота-оналарнинг болаларга нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлари борасида бундай деб айтиш қийин.

Ота-оналарнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари шундай хусусиятга эгаки, унда айрим болаларнинг ҳуқуқлари ота-оналарнинг ҳуқуқларига айнан монанд келади. Чунончи, ота-онадан бирининг ҳуқуқларини бузилиши, айна вақтда бола ҳуқуқларининг ҳам бузилишини келтириб чиқаради. Масалан, боладан алоҳида яшовчи ота (она) бола билан кўришиш имкониятидан маҳрум бўлса, у ҳолда алоҳида яшаётган боланинг ота (она) билан кўришиш ҳуқуқи бузилишини англатади.

Оила ҳуқуқида болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалаларига доир турли даврларда ўрганилган. Бироқ, ота-оналарнинг болаларга нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқларига, шу жумладан ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга доир муаммолар ҳанузгача комплекс тарзда монографик тадқиқ қилинмасдан қолмоқда. Таъкидлаш зарурки, ота-она ҳамда болалар ўртасидаги муносабатлар нафақат ҳуқуқий нормалар, балки одоб-ахлоқ, урф-одат ва анъаналар, миллий ўзига хослик каби категорияларнинг таъсир доирасида ҳам бўлади. Тўғри, қонунда ота-оналик ҳуқуқларини

амалга оширишга доир қоидаларни қонунда тўлиқ ва бекаму-қўст ҳолда назарда тутиб бўлмайди. Бироқ, оила қонунчилиги ота-оналик ҳуқуқларини лозим даражада амалга оширмаганлик учун жавобгарлик чораларини белгилаб беради. Демак, ота-оналик ҳуқуқларини амалга оширишнинг аниқ мезонлари аниқланмаслиги ота-оналарнинг ҳам, болаларнинг ҳам ҳуқуқларини бузилиши учун шароит яратиши мумкин. Ушбу ҳолатда ота-оналик ҳуқуқларини аниқ белгилаш, унинг доирасини, шакл ва усулларини аниқлашни ҳамда ота-оналарнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усул ва воситаларини илмий назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганишни тақазо қилади.

Ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш ҳамда ҳимоя қилишга доир аниқ нуқтаи-назарларнинг мавжуд бўлмаслиги амалиётда хусусан, васийлик ва ҳомийлик органлари, судлар ҳамда ҳуқуқни қўлловчи бошқа органлар фаолиятида турли келишмовчиликларни келтириб чиқаради.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатадики, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судида 2014 йилда 449 та оилавий низолар кўриб чиқилган. Ушбу фуқаролик ишларида оилавий шахсий номулкий ҳуқуқларга доир низолар асосий ўринни эгаллайди<sup>1</sup>.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этишнинг энг самарали йўлларидан бири – бу ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлари хусусиятларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, бу борадаги муаммоларни аниқлаш ҳисобланади. Демак, ушбу магистрлик диссертация тадқиқот мавзусининг долзарблиги ҳам юқоридаги омиллар билан белгиланади деб айтиш мумкин.

### **Тадқиқот объекти ва предмети.**

**Тадқиқотнинг объекти** – ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқларига оид ижтимоий муносабатлардир.

---

<sup>1</sup> Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро суди архиви. 2014 йил.

**Тадқиқотнинг предмети** - ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлари, уларнинг мазмунини белгиловчи ҳуқуқий нормалар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.** Тадқиқотнинг мақсади бўлиб ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлари тушунчаси, уларнинг мазмуни бўйича қонунларни такомиллаштириш муаммоларини илмий таҳлил этиш ва илмий асосланган хулосалар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги **вазифалар** белгиланди:

- ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлари тушунчасини таҳлил этиш;

- оила ҳуқуқида шахсий номулкий ҳуқуқлар тавсифини очиб бериш;

- ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлари тушунчасини ёритиш;

- ота-оналик ҳуқуқини амалга оширишни тадқиқ қилиш;

- ота-она ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглигини ўрганиш;

- вояга етмаган ота-онанинг ҳуқуқлари таҳлил қилиш;

- ота-онанинг болаларга таълим-тарбия беришга оид ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрганиш;

- болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрганиш;

- ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилишни таҳлил қилиш;

- ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш жавобгарлик чораси сифатида ўрганиш;

- ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқларини такомиллаштириш истиқболларини ёритиш;

- ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқларини тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Илмий янгилиги** шу билан белгиланадики, унда Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси қабул қилиниши ва амалга киритилишидан кейин ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлари илк мартаба комплекс таҳлил қилинмоқда.

### **Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари:**

Мазкур магистрлик диссертация тадқиқоти натижасида оилада ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлари атрофлича тадқиқ қилинди. Амалга оширилган тадқиқот, таҳлиллар қуйидаги илмий ғоя ва фаразларни илгари суришга имкон берди.

1. Ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш муҳим шахсий номулкий ҳуқуқлар саналади. Бунда уларнинг ёши ҳам муайян роль ўйнайди, албатта. Айрим ҳолатларда вояга етмаган ҳолда ота-оналик ҳуқуқини қўлга киритиш мумкин. Ушбу ҳолат айрим истисно ҳолатлар ҳисобланади. Чунки, одатда никоҳ ёши эркаклар учун 18 ва аёллар учун 17 ёш сифатида белгилаб қўйилган ҳамда амалиётда нисбатан кам ва одатда нотинч оила муҳитида вужудга келадиган ҳолат ҳисобланади. Вояга етмаган ота-она ўз ҳуқуқларини амалга оширишда одатдаги анъанавий ота-оналик ҳуқуқини (яъни, вояга етган ота-онанинг ҳуқуқини) амалга оширишга қараганда бирмунча мураккабликка эга бўлади. Бунда бир тарафдан ота-онанинг ўзининг вояга етмаганлиги бир масала бўлса, бошқа тарафдан ота-оналик ҳуқуқларини қандай ҳажмда амалга оширилиши мумкинлиги аниқланиб олиниши зарур. Бунда қуйидагича:

а) тўлиқ ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган ота-оналар;

б) ота-оналик ҳуқуқлари чекланган ота-оналар;

в) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлган ота-оналар;

г) вояга етмаган ота-оналар фарқланиш мавжуд бўлади.

2. Ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқлардан (масалан, умумий мулкни

бўлиш, алимент мажбуриятлари ва ҳ.к.) ўз хусусиятига кўра фарқланади. Бу ўринда асосий ўринни боланинг манфаатлари эгаллаганлиги боис, боланинг манфаатларини таъминлашга доир ҳуқуқлар ота-оналар томонидан оқилона шартларда амалга оширилмоғи зарур. Тўғри, боланинг манфаатлари нисбий, чексиз, чегарасиз тушунча бўлиши мумкин. Масалан, боланинг доимий равишда ўз устида ишлаши, уни фақат сарҳил таомлар билан боқиш, янги ва замонавий кийимлар олиб бериш, касал бўлганда энг малакали шифокорга кўрсатиш, боланинг жисмоний тарбия, спорт ва бошқа фойдали фаолиятга жалб қилиш ва ҳ.к. боланинг манфаатига мос келиши мумкин. Бироқ, ота-онанинг боланинг барча эҳтиёжларини таъминлашга ҳар доим ҳам имконияти бўлмаслиги мумкин (масалан, касаллиги, кам таъминланганлиги ва ҳ.к.). Шу боисдан ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш айнан боланинг манфаатларига мос равишда ҳамда ота-оналарнинг имконияти доирасида оқилона мезон асосида фуқаролик ҳуқуқида мавжуд бўлган оқилоналик, инсофлилик тамойилларига мос ҳолда амалга оширилмоғи лозим. Бу ўринда фуқаролик ҳуқуқи ва оила ҳуқуқининг ўзаро боғлиқлиги кузатилади.

3. Оилада ота-оналарнинг болаларга нисбатан шахсий номулккий ҳуқуқларини амалга ошириш, боланинг манфаатларини таъминлашга доир ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш қачон мажбурий бўлиши аниқланиши лозим. Муаллиф фикрича, бу ўринда фуқаролик ҳуқуқида мавжуд бўлган оқилоналик, адолатлилик инсофлилик тамойилларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш қачон мажбурий бўлишига доир масала ҳар бир конкрет ҳолатда вазиятдан келиб чиқиб баҳоланмоғи зарур. Масалан, бола касал бўлганда ота-она уни шифокорга олиб бориб кўрсатиши, бунинг учун зарур чора тадбирларни кўриши зарур. Бунда гарчи ота-онада моддий имконият, вақт бўлмаслиги ушбу ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятидан озод этмайди. Шу боисдан ҳам оила ҳуқуқида ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш ва

мажбуриятларини бажариш айнан мажбуриятларнинг (вояга етмаган шахсга) нисбатан кўплиги, уни бажармаслик эса, тегишли жавобгарликни келтириб чиқариши мумкинлигини назарда тутати.

4. Ота-оналар ва болалар ўртасидаги шахсий номулкий муносабатлар болаларнинг муайян ота-онадан туғилганлиги натижасида вужудга келади. Боланинг туғилиши ҳуқуқий муносабатни вужудга келиши учун зарур ва етарли бўлган юридик факт ҳисобланади. Боланинг туғилганлигини қайд қилиш ушбу юридик фактни тасдиқлаш ва мустаҳкамлашнинг муҳим шакли ҳисобланади.

5. Оилавий-ҳуқуқий муносабатларда фуқаролар фақат оила аъзоси сифатида иштирок этиши мумкин. Бунда муайян оилавий ҳуқуқий муносабатда иштирок этиш лаёқати ҳар бир алоҳида оила аъзосида турли вақтларда вужудга келади.

6. Оила ҳуқуқида ота-онанинг фарзандига таълим-тарбия беришга доир мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлик алоҳида хусусиятларга эга. Бунда ҳуқуққа хилофлик ва айб мажбурият оилавий-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий шarti бўлса, зарар ҳамда сабабий боғланиш қўшимча шарт ҳисобланади. Ота-онанинг жавобгарлик субъектив ҳуқуқдан (масалан, ота-оналик ҳуқуқидан) маҳрум қилиш ёки уни чеклаш (масалан, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмаган ҳолда болани олиб қўйиш) шаклида амалга оширилиши мумкин.

7. Оила кодексида шахсий номулкий ҳуқуқларга доир алоҳида боб мавжуд бўлиши ва унинг номи “Оила ҳуқуқида шахсий номулкий ҳуқуқлар” деб номланиб, унинг таркибида “эр-хотиннинг шахсий номулкий ҳуқуқлари”, “Ота-оналар ва болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари”, “Бошқа оила аъзоларининг шахсий номулкий ҳуқуқлари”, “Оилавий шахсий номулкий ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик” каби моддалар бўлиши мақсадга мувофиқ. Ушбу моддаларнинг Оила кодексига киритилиши оилавий шахсий номулкий муносабатларни

ҳуқуқий тартибга солишдаги мавжуд бўшлиқлар ҳамда зиддиятларни бартараф этишга хизмат қилган бўлур эди. Бунда институционал ва тизимли ёндошувга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

8. Магистрлик диссертациясида муаллиф оила қонунчилигида ҳамда суд амалиётида ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳуқуқий таҳлил қилиш натижасида Оила кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни таклиф қилади.

#### **Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили).**

Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг илк даврларидан бошлаб шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилди. Бу борада И.Насриев-асарлар муаллифлари шахсий ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш кафолатлари ҳақида; Т.Умаров – Фуқароларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва уларни фуқаролик ҳуқуқий воситаларида ҳимоя қилиш юзасидан тадқиқотларни амалга оширдилар. Айни вақтда фуқаролик ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари процессуал ҳуқуқ йўналишида Ш.Шорахметов томонидан ўрганилди. А.Хасанов фуқаролик ҳуқуқида шахсий номулкий ҳуқуқларга доир монографик тадқиқотни амалга оширган. Г.С.Инамжанова “Ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқларини оилавий ҳуқуқий ҳимоя қилиш муаммолари”ни ўрганган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Насриев И. Шахсий номулкий ҳуқуқлар мазмуни, уларни амалга ошириш ва кенгайтириш истиқболларининг фуқаролик-ҳуқуқий масалалари. Ю.ф.д.дисс... Тошкент: ТДЮИ, 2006. 150 б.; Умаров Т. Фуқароларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва уларни фуқаролик ҳуқуқий воситаларида ҳимоя қилиш. Ю.ф.н.дисс... Тошкент: ТДЮИ, 1999. 152 б.; Тошев Б. Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг қонуний асослари ва шакллари. Ю.ф.н.дисс... Тошкент: ТДЮИ, 1999. 150 б.; Шорахметов Ш. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашда фуқаровий суд ишларини юритиш муаммолари. Ю.ф.д.дисс... Тошкент: ТДЮИ, 1995. 310 б.; Хасанов А.А. Ўзбекистон Республикасида шахсий номулкий ҳуқуқларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳимоя қилишнинг айрим муаммолари. Ю.ф.н.дисс... Тошкент: ТДЮИ, 2001. 150 б.; Окюлов О. Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий мақоми. Ю.ф.д.дисс... Тошкент: ТДЮИ, 2000. 325 б.; Имомов Н.Ф. Интеллектуал мулк объекти сифатида янги нав ва зотнинг ҳуқуқий мақоми. Ю.ф.д.дисс... Тошкент: ТДЮИ, 2012. 325 б.; Инамжанова Г.С. Ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқларини оилавий ҳуқуқий ҳимоя қилиш муаммолари. Юрид.фан.номз.дисс... Тошкент: ТДЮИ, 2005. 145 б.

Шахсий номулкий ҳуқуқлар инсон ҳуқуқлари йўналиши асосида А.Х.Саидов, Х.Т.Одилқориев, А.Ғофуров ва бошқалар томонидан умумҳуқуқий нуқтаи назардан фаол равишда ўрганилмоқда<sup>1</sup>.

МДХ мамлакатлари цивилист олимлари томонидан шахсий номулкий ҳуқуқларни ўрганиш борасида катта ютуқлар қўлга киритилди. Айниқса, бу борада Л.О.Красавчикова, А.И.Ниязова, М.Малеина, Ю.Ф.Суховерский, Ш.Т.Тоғайназаров, В.А.Жакенов, Х.Б.Ярошенколар салмоқли натижаларга эришдилар.

Мамлакатимиздаги цивилист олимлар асосий эътиборни умумий характердаги муаммоларни айрим қирраларига ёхуд муайян йўналишларга қаратишган. Айни вақтда шахсий номулкий ҳуқуқларни муайян йўналишлари-шахс дахлсизлиги, унинг эрк мухториятини, хусусий ҳаёт сирларини ҳуқуқий таъминлаш масалалари деярли ишланмаган, бу борада ўзига хос бўшлиқ мавжуд. Айниқса, оила ҳуқуқида шахсий номулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ масалалар комплекс тарзда тадқиқ қилинмаган.

**Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи.** Тадқиқотнинг услублари бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг фундаментал асарлари, унинг олимлар ва илмий жамоалар олдида сўзлаган нутқлари ва мақолалари, кодификациялашган қонун нормалари, шунингдек Қонунлар, Президент Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва вазирликлар ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳисобланади.

Жумладан, халқаро ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва юриспруденцияни тартибга солувчи тизимлар нормаларининг компаратив таҳлил амалга оширилди.

---

<sup>1</sup> Саидов А.Х. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. -Т.: Молия, 2002. -632 б.; Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. (Монография). -Т.: Шарқ, 2002. -320 б.; Бурханова Л. Гофуров А. Развитие и реализация права частной собственности в условиях перехода Республики Узбекистан в рыночном отношении. //Ж.Хўжалик ва ҳуқуқ, 2004. -5-сон. -Б.20-22.

Ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлари бўйича мавжуд адабиётлар тадқиқ этилди, хорижий мутахассисларнинг назарий қарашлари ўрганилди. Шунингдек диссертацияни ёзишда қиёсий-ҳуқуқий, тизимли-мантиқий таҳлил, ҳаракатдаги қонунчиликни амалда қўллашни илмий таҳлил этиш каби илмий билиш усуллари қўлланилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти** шу билан белгиланадики, унда билдирилган таклифлар, умумлаштирилган хулоса ва қоидалардан, ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш ҳамда бу соҳадаги амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, тадқиқот натижасида эришилган илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгусида илмий фаолиятда, ҳуқуқ ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда фойдаланиш ва ҳуқуқ фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга ёрдам беради, шунингдек тадқиқотнинг назарий натижаларига таяниш келгусида янги илмий-тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, тадқиқот натижасида олинган хулосалар ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқларига доир қонунлар ривожини устувор йўналишларини белгилашда ёрдам беради. Олинган тавсия ва хулосалардан фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқ соҳасига оид тегишли ҳужжатларни яратиш ва такомиллаштиришда, ҳуқуқни қўллайдиган идоралар фаолиятида ва ҳуқуқий фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Муаллифнинг тадқиқот натижасида олган таклиф ва хулосалари ва “Оила ва қонун” амалий-омабоп қўлланма (2014 йил) “Ҳуқуқ ва бурч” журанали (2014 йил) ва “Жамият ва ҳуқуқ” журнали (2014 йил), ТДЮУ

магистрантлари илмий тўпламларида, ҳуқуқий газетада жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинган.

**Иш тузилмасининг тавсифи.** Диссертация кириш, 3 боб, 10 параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 89 бетни ташкил қилади.

# **I БОБ. ОТА-ОНАЛАРНИНГ БОЛАЛАРИГА НИСБАТАН ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ХУҚУҚЛАРИ ТАВСИФИ**

## **1.1. Оила ҳуқуқида шахсий номулкий ҳуқуқлар тушунчаси**

Шахсий ҳуқуқлар, шахсий номулкий ҳуқуқлар категорияси турли ҳуқуқ соҳаларининг тадқиқот объекти сифатида кўрилади. Чунончи, Конституциявий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқ соҳаларида бу борада муйян қоидалар белгиланган.

Конституциянинг VII бобида шахсий ҳуқуқлар ҳақида қоидалар мавжуд. Фуқаролик кодексининг 99-моддасида ҳам шахсий ҳуқуқлар ҳақида қоидалар мавжуд. Бошқа қонунларда (масалан, Жиноят кодекси, Оила кодекси ва ҳ.к.) ҳам шахсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, улардан фойдаланиш масалалари ўз аксини топган.

Конституцияда назарда тутилган шахсий ҳуқуқлар фуқаролик ҳуқуқида назарда тутилган шахсий ҳуқуқларга нисбатан кенг қамровли эканлиги кўрсатилган эди. Шу сабабли умумҳуқуқий фанлар-ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ томонидан ўрганиладиган шахсий ҳуқуқлар билан фуқаролик ҳуқуқи томонидан ўрганиладиган шахсий ҳуқуқлар ўртасида айний тўла мослик мавжуд эмаслигини ёдда тутиш лозим. Айрим ҳолатларда бу ўзига хослик жиддий тафовут даражасига боради. Масалан, ижод эркинлиги Конституциянинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар таркибига киритилган. Бироқ кўпчилик олимлар (О.Оқюлов, Б.Тошев) уни фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги билан узвий равишда боғлиқ деб ҳисоблайдилар<sup>1</sup> ва бинобарин ижод эркинлиги шахсий характерга эга бўлган ҳуқуқ деган хулосага келиш мумкин. Бироқ бу тафовут муҳим ва жиддий оқибатларни келтириб чиқармайди.

А.Хасановнинг таъкидлашича, шахсий номулкий муносабатлар тушунчаси ҳам соф фуқаролик-ҳуқуқий категория ҳисобланади ва агарда

---

<sup>1</sup> Тошев Б. Муаллифлик ҳуқуқи. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. –Т.: 1997.3-б.

уни умумхукукий нуқтаи назардан тушунмаслик лозим (масалан, шахсий номулкий муносабатлар таркибига, агарда мантиқан таҳлил этилганда нафақат шахсий фуқаролик-хукукий, балки оила-хукукий, сиёсий-хукукий ва ҳ.к. муносабатлар ҳам кирган бўлур эди, бу эса тадқиқотлар доирасини ҳаддан ташқари кенгайтириб юборган бўлур эди)<sup>1</sup>.

А.Ниязова шахсий номулкий ҳуқуқларни қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатади:

-мазмунан номоддий характерга эга бўлади;

-соҳиблари жисмоний шахслар ҳам, юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин (бундай фуқаронинг муомалага лаёқатсизлиги ёхуд чекланганлиги шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга оширишга тўсқинлик қилмайди);

-шахсий номулкий ҳуқуқлар объекти яққол ифодаланган шахсий характерга эга ва ўз соҳиби учун мустақил қийматга эга бўлади;

-шахсни индивидуаллаштириш шахсий номулкий ҳуқуқларни белгиси сифатида бир субъектни бошқасидан фарқ қилиш имкониятини беради. Шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳуқуқ лаёқатини элементи эмас. Ҳуқуқ лаёқати эса субъектларда бир хил ҳажмда бўлгани, уларни тенглаштиргани сабабли фақат мавҳум имконият сифатида намоён бўлади;

-шахсий номулкий ҳуқуқларни номоддий характери (мазмуни) уларни қиймат орқали баҳоланмаслигида (масалан, пулда) намоён бўлади, уларни амалга оширилиши бошқа эквивалент мулкий мажбуриятлари ҳамроҳлигида рўй бермайди. Худди шу сабабга кўра ҳам шахсий номулкий ҳуқуқларни бузганлик учун маънавий зарарни қоплаш бузилган ҳуқуқ ёки неъматнинг пул шаклидаги эквиваленти бўлиб ҳисобланмайди. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, юридик шахсларнинг номулкий ҳуқуқлари пулда тахминан баҳоланиши лозим;

-шахсий номулкий ҳуқуқларни юқорида қайд этилган нотоварлик (ноашёвий) хусусиятидан уларни бегоналашмаслиги (ўз соҳибидан)

---

<sup>1</sup> Хасанов А.А. Ўзбекистон Республикасида шахсий номулкий ҳуқуқларни фуқаролик ҳукукий тартибга солиш ва ҳимоя қилишнинг айрим муаммолари. Ю.ф.н.дисс... Тошкент: ТДЮИ, 2001. 25 б.

хусусиятини белгилайди, бу эса, ҳуқуқ соҳиби шахсида ифодаланган ҳуқуқ объектини ўзига хослигидан келиб чиқади. Шахсий номулкий ҳуқуқлар мерос қилиб ўтказилмайди, гаров, ҳадя ва ш.к. шартномалар предмети бўлмайди. Шахсий номулкий характердаги объектларга нисбатан мулкий ундирувни қаратишга йўл қўйилмаслиги шу билан изоҳланади. Айни вақтда учинчи шахслар томонидан ҳимояни амалга ошириш, масалан, вояга етмаганларни вакиллари ёхуд марҳумни меросхўрлари томонидан уларни шаъни ва кадр-қийматини ҳимоя қилиб даъво билдириш истисно этилмайди<sup>1</sup>.

Т.Фадеева шахсий номулкий ҳуқуқларнинг муайян мақсадини йўналишлар бўйича қуйидаги турларга бўлади:

1) шахсий индивидуаллаштиришга қаратилган шахсий номулкий ҳуқуқлар: номга бўлган ҳуқуқ (юримдик шахсни номланишга бўлган ҳуқуқи), шаън, кадр-қиммат, ишбалармонлик обрўйига бўлган ҳуқуқлар;

2) шахсни жисмоний даҳлсизлигини таъминлашга қаратилган шахсий номулкий ҳуқуқлар (яшаш, эркинлик, истиқомат жойи, турар-жойга бўлган ҳуқуқлар);

3) шахснинг ички дунёси ва унинг манфаатлари даҳлсизлигига қаратилган шахсий ҳуқуқлар (шахсий ва оилавий сирлар, хусусий ишларга аралашмаслик, шаън ва кадр-қиммат)<sup>2</sup>.

Шахсий номулкий ҳуқуқларнинг муҳим белгиларидан бири-шахсни индивидуаллиги, яқкалигидир. Шахсий номулкий ҳуқуқлар институти бир субъект ҳуқуқидан иккинчисини ажратиш имконини беради, уларнинг ўзига хослигини ва шубҳасиз алоҳидалигини, индивидуаллигини ҳам ҳимоя қилади, ҳар бир субъект ўзига хос номулкий ҳуқуқлар мажмуига эга, булар ҳам уни жамиятдан «ажратиб туришга» имкон беради, бироқ ҳар қандай ҳолда ҳам номулкий ҳуқуқлар алоҳида-алоҳида бўлганда, индивидуал ҳолатда устунликка эга бўлади.

---

<sup>1</sup> Ниязова А. Гражданско-правовое регулирования личных неимущественных отношений в Киргизской Республике. Автореф. канд. дисс. 6-7-б.

Фуқаролик ҳуқуқида мавжуд бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар оила ҳуқуқидаги шахсий номулкий ҳуқуқлар ўртасида фарқ мавжуд. Ушбу фарқ ҳуқуқий муносабат субъектлари ўртасида кузатилиб, унда болалар манфаати яққол ва тўғридан тўғри кўрилади ҳамда унинг субъектлари бўлиб, фуқаролик ҳуқуқидан фарқли равишда (фуқаролик ҳуқуқида субъектлар доираси кенглиги кузатилади) оила аъзолари бўлиб ҳисобланадилар. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатнинг асосий массасини мулкӣ муносабатлар ташкил қилган ҳолда оила ҳуқуқий муносабатида шахсий номулкий ҳуқуқлар асосий бўлиб ҳисобланади ва мулкӣ ҳуқуқларни мавжуд бўлишини белгилаб беради.

## **1.2. Ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлари тавсифи**

Мамлакатимизда демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш шароитида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари олий неъмат сифатида эътироф этилган ва қонун билан ҳимоя қилиниши кафолатланган. Зеро, демократик ҳуқуқий давлатда шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш устувор вазифалардан бири сифатида қаралар экан, номоддий неъматлар ва у билан боғлиқ номулкий муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш доирасига киради.

Таъкидлаш лозимки, амалдаги Оила кодекси ота-оналарнинг болаларга нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлари ягона тизим асосида шакллантирмаган. Яъни, ота-оналарнинг болаларига нисбатан айнан қандай ҳуқуқларга эгаллиги алоҳида санаб ўтилмаган. Бу борада юридик адабиётларга эътибор қаратадиган бўлсак, у ҳолда одатда бу борадаги шахсий номулкий ҳуқуқларга болаларга таълим тарбия бериш,

---

<sup>2</sup> Гражданское право. –М.: Проспект, 1996. 302-б.

болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилиш киритилганлигини кўришимиз мумкин<sup>1</sup>.

Болага исм бериш, исмини ўзгартириш ҳам ота-онанинг шахсий номулкий ҳуқуқлари таркибига киради. Оила кодексида ота-оналар томонидан болаларни тарбиялаш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилмаган. Бу борада маънавий, ғоявий омиллар назарда тутилмаган. Ота-оналарнинг бу борадаги мажбуриятлари мазмуни ҳам аниқ ёритиб берилмаган. Бу борада ота-оналарнинг фақат болаларни тарбиялаш борасидаги фаолият йўналишлари кўрсатиб берилган ҳолос.

Қонунчилик нуқтаи назаридан ота-она аввало боланинг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий камолоти учун қайғуришлари лозим. Буни қандай қилиб амалга ошириш усуллари ва йўллари танлашни ота-оналарнинг ўзлари ҳал қилишади. Зеро, ота-оналар боланинг дастлабки даврларида унинг жисмоний, ақлий, интеллектуал ривожланишини таъминловчи дастлабки педагог бўлиб ҳисобланади.

Бу ўринда табиий савол туғилади: Ота-оналарнинг вояга етмаган болаларга нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлари қачондан вужудга келиши мумкин?

Фикримизча, ушбу саволга жавоб бериш учун турли жиҳатларга эътибор қаратиш зарур. Чунончи, аввало ота-она бўлиш ёки бўлмаслик масаласини ҳал қилиш ҳуқуқи ҳам эркак ва аёлга (кейинчалик эр ва хотин ёки ота-она) тегишли бўлган шахсий ҳуқуқлардан ҳисобланади.

Демак, аввало улар фарзанд дунёга келиши ҳақида қарор қабул қилишлари талаб қилинади. Сўнгра, фарзандни эмбрион ҳолатига ўтиши. Бу борада юридик адабиётларда ҳам турли фикрлар билдирилган.

Юридик манбаларда, инсоннинг ҳаёти унинг ҳомила шаклига келиши билан бошланиши ҳақида фикрлар ҳам мавжуд. Ушбу нуқтаи назардан ҳомила ҳолатидаги боланинг ҳуқуқ лаёқати эгалиги ҳақидаги

---

<sup>1</sup> Пчелинцева Л.М. Семейное право России. Учебник. 3-е изд. М.: Норма, 2004. -303 с.

концепция шакллана бошлайди. Масалан, ГФРда Э.Вольф томонидан хомила ҳолатидаги бола ва янги туғилган чақалоқ ўртасида муайян фарқ мавжуд эмас, чунки, эмбрион инсон зоти сифатида яшайди, деган концепцияни илгари суради<sup>1</sup>.

И.Насриевнинг таъкидлашича, ҳаётнинг бошланиш вақтини қонуний мустаҳкамлаш муҳим амалий аҳамиятли масаладир. Биринчидан, она қорнидаги бола ривожланишнинг қайси давридан яшашга қодир ёки яшаш қобилиятига эга ҳисобланади ва ҳуқуқнинг субъектига айланади? Иккинчидан, бу боланинг параметрлари қандай бўлиши керак ва ҳ.к.

Айрим қонун ҳужжатларида келажақда туғиладиган болани ҳуқуқ ва манфаатларини қўриқлашга қаратилган нормалар мавжуд. Масалан, ФКнинг 1009-моддасида боқувчиси вафот этган тақдирда зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар қаторига мархумнинг вафотидан кейин туғилган фарзанди ҳам кўрсатилган.

И.Насриев тадқиқот ишида яшаш ҳуқуқи мазмунида ҳомиланинг яшашга бўлган ҳуқуқини тадқиқ этиб, айрим ҳолларда чақалоқ онанинг ўлиmidан кейин туғилиши мумкин (бундай ҳоллар онанинг касаллиги ёки бошқа сабаблар натижасида юз бериши мумкин)лигини кўрсатади. Тиббиёт ходимларининг мажбурияти сифати қонун ҳужжатларида боланинг яшашига имкон берадиган барча чора-тадбирларни кўриши шартлигини белгилаб қўйиш лозим, токи онанинг бўйидаги чақалоқни сақлаб қолишнинг барча чоралари кўрилмаган ҳолларда жавобгарлик юзага келиши шарт бўлсин. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, она хомиласидан илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш ёки фойдаланишни таъқиқлаш масаласи қонуний ҳал бўлмоғи лозим. АҚШ, Англия каби қатор давлатлар бу тарзда олиб бориладиган тадқиқотларга қонун ҳужжатлари билан чек қўйилган.

---

<sup>1</sup> Wolf E., Naujoks H. Anfang und Ende der Rechtafainigkeit des Menschen. Frankfurt a.M. 1955. 131-141 p.

Оила қонунчилигида белгиланган нормаларга эътибор қаратадиган бўлсак, унда ота-оналарнинг болаларига нисбатан бир қатор шахсий номулкий ҳуқуқлари белгилаб берилган.

Оила кодексининг 71-моддасига кўра, ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Бундан кўринадикки, ота-она ўз болаларига нисбатан амалга ошириши мумкин бўлган ҳуқуқлари ҳамда бажариши лозим бўлган мажбуриятлар эр ва хотин томонидан тенг улуш ва миқдорларда бажарилмоғи зарур. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, халқимиз урф одатига мувофиқ, оилада фарзанд ота ўғити ва она меҳри билан камол топади. Чунки, оилада ота асосан, турмуш юмушлари, оилани моддий таъминлаш билан банд бўлса, она оиладаги маънавий муҳитга, болаларга берадиган меҳри алоҳида ўрин эгаллайди.

Ота-оналик ҳуқуқлари муддатли бўлиб, болалар ўн саккиз ёшга тўлганларида (вояга етганда), шунингдек вояга етмаган болалар никоҳга кирганларида ҳамда қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда болалар вояга етмасдан тўла муомала лаёқатига эга бўлганларида тугайди.

Оила кодексининг 72-моддасига асосан, вояга етмаган ота-она ўз боласи билан бирга яшаш ва унинг тарбиясида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ўзаро никоҳда бўлмаган вояга етмаган ота-она улардан бола туғилганда ҳамда уларнинг оналиги ва (ёки) оталиги белгиланганда ўн олти ёшга тўлишлари билан ота-оналик ҳуқуқларини мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидирлар. Вояга етмаган ота-она ўн олти ёшга етгунга қадар, болани вояга етмаган ота-она билан биргаликда тарбиялаш учун болага васий тайинланиши мумкин. Боланинг васийси билан вояга етмаган ота-она ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этилади.

Оила кодексининг 73-моддасига асосан, ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт. Бунда ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз

болаларининг соғлиғи, жисмоний, рухий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга. Бу ўринда айнан ота-она болаларини тарбиялашдаги устун ҳуқуқи, вояга етмаган боланинг бобо, буви, амаки, тоға, хола, амма ва бошқа қариндошларига нисбатан устун ҳуқуқи мавжудлигини англатади. Шу билан бирга ота-она болаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаши шарт.

Ота-она ўз болаларининг қонуний вакиллари ҳисобланганлиги сабабли ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларда, шу жумладан судда алоҳида ваколатсиз уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Бироқ, шундай ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиши мумкинки, бунда васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ота-она ва болалар манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик борлиги аниқланганда, ота-она ўз болаларининг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақли бўлмайди. Ота-она ва болалар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлганда васийлик ва ҳомийлик органи болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил тайинлаши шарт бўлади.

### **1.3. Ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш**

Оила ҳуқуқида ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш алоҳида ўринга эга. Зеро, ота-оналик ҳуқуқини амалга оширилиши нафақат эр-хотиннинг балки, вояга етмаган боланинг ҳуқуқ ва манфаатларига ҳам хизмат қилмоғи зарур.

Ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш чегараси қандай, у қандай шартларда амалга оширилиши зарур, бунда боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминланиши қай даражада бўлади? Ота-оналик

ҳуқуқини амалга ошириш бир томондан эр ва хотиннинг ҳуқуқи бўлса, иккинчи томондан боланинг ҳуқуқ ва манфаатларига монанд бўлиши зарур. Акс ҳолда, ушбу ҳуқуқни амалга ошириш мумкин бўлмай қолади. Бинобарин, ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига мос келиши ҳамда асосийси, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар келтирмаслиги лозим.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида ювенал юстицияни ривожлантириш ҳаракатлари кўзга ташланмоқда. Аслини олганда, моҳиятан, ювенал юстиция вояга етмаган шахсларга нисбатан одил судловни амалга ошириш тушунилади. Ушбу тизим хорижий мамлакатларда ишлаб чиқилган бўлиб, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир тизимни ташкил қилади. Ушбу тизимни амалга киритишдан асосий мақсад вояга етмаган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ҳисобланади<sup>1</sup>.

Ювенал юстиция тизими биринчи галда жинойт ҳуқуқига алоқадор саналади. Жумладан, Германия Федератив Республикаси замонавий ювенал жинойт ҳуқуқи концепцияси асосида вояга етмаган болалар учун тўрт босқичли жазо тизими назарда тутилган. Уларга тарбия бериш чораси; мажбурлаш воситалари; тўғри тарбия бериш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш (руҳий касалхоналарга жойлаштириш, алкоголизм ва наркоманиядан даволаниш муассасасига жойлаштириш, хулқ атворини назорат қилиш, автомобилни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш); жазолаш (озодликдан маҳрум қилиш)<sup>2</sup>.

Г.С.Инамжанова ҳам ювенал судловни тадқиқ қилар экан, ювенал судлов тизими умумий судлардагига қараганда соддалиги, осонлиги билан фарқ қилади, деб таъкидлайди. Зотан бола умумий судларга хос таомил

---

<sup>1</sup> Тимошина Е.М. Правовой анализ целесообразности внедрения ювенальной юстиции в России. //Проблемный анализ и государственно-управленческое проектирование. 2012. Выпуск № 1, том 5. Стр.87-99.

<sup>2</sup> Бибик О.Н. Цели применения наказания и иных мер уголовно-правового характера в ювенальном уголовном праве ФРГ. В сб. материалов IV Российского конгресса уголовного права // Московский государственный университет им. М.В. Ломоносова. М.: Проспект, 2009. С.630-633.

жараёнлари, расмиятчиликлар билан қийнаб ўтирилмайди. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар тўғрисидаги ишлар умумий судлардагидан фарқли равишда ёпиқ шаклда, махфийлик принципига қатъий риоя этилган тарзда кўрилади. Бунда ювенал суднинг диққат-эътиборида жазо эмас, балки тегишли тарбия ва назорат чораси туради. Бошқача қилиб айтганда, йўлдан тойган ўсмирни оиладаги, мактабдаги, жамиятдаги нормал ҳаётга қайтаришга энг кўп даражада ёрдам бериладиган чораларга кўпроқ эътибор берилади, деб ҳисоблайди<sup>1</sup>.

Бироқ, шунга ҳам эътибор қаратиш лозимки, ювенал юстицияни ҳаддан зиёд кенг талқин қилиниши, яъни болалар ҳуқуқларини асосланмаган ҳолда кенгайтириб юбориш, уларни “ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” мақсадида ўзбошимчаликка йўл очиб бериш, уларнинг таълим тарбия олишларига ва турли ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқаришга олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда Европа Кенгашининг оилада аёлларга нисбатан зўрлик ишлатишни олдини олиш ва йўқ қилишга доир Конвенция лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда. Ушбу конвенциянинг муқаддимасида халқаро ҳамжамият болалар оилада зўравонликдан жабрланаётганлиги фактини тан олиши кўрсатилган. Шунингдек, ушбу ҳужжатда “гендер даҳлдорлик”, “гендер тенглик” тушунчалари ҳам киритилиб, ноанаънавий оилага даҳлдор шахсларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутди. Ушбу лойиҳа халқлар дунёқарошига ҳам муайян даражада таъсир кўрсатиши мумкин.

Мазкур масаланинг бошқа тарафи ҳам мавжуд. Айниқса, ушбу ҳолат ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатлар барқарорлиги, улар ўртасида ҳуқуқ ва манфаатларни амалга оширишда муайян тушунмовчиликларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Чунончи, турли давлат органларининг вояга етмаган шахс манфаатини кўзлаб, шахсий оилавий ишларга ҳаддан

---

<sup>1</sup> Инамджанова Г.С. Вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш.//Ж.Давлат ва ҳуқуқ.2001.№3. -Б.14-16.

зиёд аралашуви (масалан, бирон бир нотўғри ҳаракат қилгани учун фарзандига дўқ қилса ёки шапати урса ҳам) ота-оналик ҳуқуқларини амалга оширишни чеклаб қўяди.

Бу ўринда бошқа бир ўринли савол юзага келади. Ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш устидан муайян назорат амалга оширилиши зарурми? “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонуннинг талабига кўра, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида кузатув ўрнатилиши мумкин. Бироқ, ушбу кузатув оилавий ишларга ўзбошимчалик билан аралашиб, фарзанд ҳамда ота-она ўртасида тушунмовчиликлар келтириб чиқаришга хизмат қилмаслиги зарур.

Фикримизча, бугунги глобаллашув даврида турли мамлакатлар никоҳ, оила муносабатларини (хусусан, шахсий номулкӣ ҳуқуқлар, ота-онанинг болаларга таълим-тарбия беришга оид ҳуқуқ ва мажбуриятларини) тартибга солишга доир қонунчилигида муайян ўзгаришлар рўй бермоқда. Айтиш лозимки, айрим ғарб мамлакатларининг оила қонунчилигида бўлаётган ўзгаришлар (никоҳ, оилада тенгликка доир баҳслар) халқимиз урф одатлари, миллий анъаналарга мос келмайди ҳамда маънавиятимизга муайян даражада таҳдид солади.

Назаримизда, нотинч оилалардан болаларни олиб қўйишга доир амалиёт айниқса, одатдаги турмуш тарзи билан яшовчи оилалардан болаларни олиб қўйиш ҳақида чуқур ўйлаб кейин иш кўрмоқ лозим. Тўғри, Оила кодексининг 87-моддасига мувофиқ боланинг ҳаётига ёки унинг соғлиғига бевосита хавф туғилганда васийлик ва ҳомийлик органи болани ота-онадан (уларнинг биридан) ёки болани ўз қарамоғига олган бошқа шахслардан зудлик билан олиб қўйишга ҳақлидир. Болани зудлик билан олиб қўйиш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг тегишли далолатномаси асосида амалга оширилади. Бола олиб қўйилганда васийлик ва ҳомийлик органи тезда прокурорни хабардор

қилиши, болани вақтинча муайян ерга жойлаштириши ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг болани олиб қўйиш ҳақидаги далолатномаси чиқарилгандан кейин етти кун мобайнида ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқларини чеклаш ҳақида судга даъво билан мурожаат этиши шарт.

Болаларни оилалардан олиб қўйиш ҳолати ҳам ювенал юстициянинг тамойилларидан бири бўлиб, давлат ва жамиятнинг ҳамда шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид келмаслиги зарур. Ўзига хос обрў эътиборга эга бўлган, одатдаги турмуш (юксак маънавий инсонлик ҳислатларига эга бўлган) тарздаги оилалардан болани олиб қўйиш аввало болага, қолаверса давлат ва жамиятга ҳам зарар етказиши мумкин. Айниқса, бугунги Европада синовдан ўтказилаётган болаларни оилалардан “ҳолат аниқлангунга қадар”, масалан болага нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганликка доир аноним хабарлар асосида суднинг қарорисиз 25 кундан бир неча ойга қадар олиб қўйиш механизми “айбсизлик презумпцияси”га зид келади. Таъкидлаш лозимки, болаларга нисбатан нотўғри муносабатда бўлиш барча мамлакатларда ҳам учраши мумкин. Бироқ, ювенал юстиция ниқоби остида қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, давлат ва жамиятнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб бўлмайди.

Ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш бир мунча кенг доирада мавжуд бўлади. Унинг таркибига болаларни моддий таъминлаш, таълим тарбия бериш, шунингдек ота-оналарнинг ва болаларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларини амалга оширишга доир ҳуқуқлари киради. Ушбу ҳуқуқӣ муносабат хусусияти шундаки, унинг субъектлари бир вақтнинг ўзига ҳуқуқ ва мажбуриятларни барчасини олади.

Ота-оналарнинг ҳуқуқларини амалга оширишда бир қатор омиллар мавжуд. Ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш муддатли, алоҳида субъектлар таркибига эга, ота-оналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглиги, ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўхшашлиги, ота-оналик

хуқуқ ва мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун алоҳида оилавий хуқуқий жавобгарлик чоралари қўлланилиши мумкин<sup>1</sup>.

Г.С.Инамжанова эса, Оила аъзолари ўз хуқуқларини амалга оширишда оила манфаатларини ҳисобга олмоғи лозим. Ушбу ҳолат аёлларнинг хуқуқий мақоми билан боғлиқ равишда ўзига хос мураккабликларни вужудга келтириши мумкин. Масалан, аёл туғиш ёки туғмаслик, туғруқлар ўртасидаги оралик муддатларини белгилаш, аборт қилдириш, суррогат она бўлиш репродуктив хуқуқларига эга. Никоҳда турган ва эри билан бир оила сифатида яшаётган аёл ушбу хуқуқларни яқка-ёлғиз тассаруф қилиши мақсадга мувофиқ эмас. Бошқача айтганда бунда у билан никоҳда турган эрнинг хоҳиш-иродаси ҳам ҳисобга олиниши ўринли бўлур эди<sup>2</sup>, деб ҳисоблайди.

Бу ўринда муаллифнинг фикрларига муайян даражада қўшилиш мумкин. Бирок, муаллиф айнан мисол сифатида келтирган хуқуқларни атрофлича таҳлил қилмайди. Яъни, аёлларнинг оиладаги эр-хотин бўлиб яшашларида мавжуд бўлиши мумкин бўлган хуқуқлари кенг тарзда ёритилмайди. Биз ҳам тадқиқот мавзусидан четга чиқмаган ҳолда айтишимиз мумкинки, никоҳда турган эрнинг (хотиннинг) хоҳиш-иродаси ҳисобга олиниши қонун талаби сифатида қўрилиши зарур.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, ота-оналик хуқуқларининг давомийлиги боланинг вояга етиши ёки уни 18 ёшга тўлмасдан тўлиқ муомалага лаёқатли деб топиш (Фуқаролик кодексининг 28-модда) факти билан белгиланади. Оила қонунчилиги алоҳида ҳолатларда ота-оналар ва вояга етган болалар ўртасидаги муносабатларни ҳам тартибга солади. Шу боисдан боланинг 18 ёшга тўлиши ёки уни тўлиқ муомалага лаёқатли деб топилиши ушбу муносабатни тугашини англамайди. Ушбу юридик

---

<sup>1</sup> Старосельцева М.М. К вопросу о принципах осуществления родительских прав // Современное право. 2008. № 11. -26 с.

<sup>2</sup> Инамжанова Г.С. Ота-оналар ва болаларнинг хуқуқларини оилавий хуқуқий ҳимоя қилиш муаммолари. Юрид.фан.номз.дисс...автореф. Тошкент: ТДЮИ, 2005. 10 б.

фактларни вужудга келиши уни бутунлай тугатмасдан балки, ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажмини ўзгаришига асос ҳисобланади. Ушбу назарий жиҳатлар ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишга дахлдор ҳисобланади.

Боланинг ота-онасининг ўзаро никоҳда бўлишига қараб ота-она – эр-хотин ва ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онанинг ҳуқуқий муносабати фарқланади. Мазкур ҳолатда ота-оналар ўртасида никоҳнинг қайд қилинганлиги ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш усуллари ва уни ҳимоя қилиш мазмунига таъсир кўрсатади. Жумладан, ота-онанинг никоҳини бекор қилишда суд вояга етмаган болани турар-жойини белгилаш масаласини ҳал қилади, бу эса ўз навбатида ота-онанинг бола билан кўришиш ҳуқуқини таъминлайди; болани тарбиялаётган эр (хотин) қонунда назарда тутилган ҳолларда ўзининг таъминоти учун алимент талаб қилиш; суд вояга етмаган болалар манфаатларидан ва(ёки) эр ва хотиндан бирининг эътиборга лойиқ манфаатини ҳисобга олиб, жумладан, агар эр ёки хотин узрсиз сабабларга кўра даромад олмаган бўлса ёхуд эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган бўлса, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушлари тенглигидан чекинишга ҳақлидир (Оила кодекси 28 -модда) ва ҳ.к.

Ота-оналик ҳуқуқларини амалга оширишда уларнинг ёши ҳам муайян роль ўйнайди. Шунини таъкидлаш лозимки, айрим ҳолатларда вояга етмаган ҳолда ота-оналик ҳуқуқини қўлга киритиш мумкин. Оила кодексининг 72-моддасига кўра, вояга етмаган ота-она ўз боласи билан бирга яшаш ва унинг тарбиясида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ўзаро никоҳда бўлмаган вояга етмаган ота-она улардан бола туғилганда ҳамда уларнинг оналиги ва (ёки) оталиги белгиланганда ўн олти ёшга тўлишлари билан ота-оналик ҳуқуқларини мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидир. Вояга етмаган ота-она ўн олти ёшга етгунга қадар, болани вояга

етмаган ота-она билан биргаликда тарбиялаш учун болага васий тайинланиши мумкин. Боланинг васийси билан вояга етмаган ота-она ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этилади.

Албатта юқорида кўрсатилган ва қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган ҳолат айрим истисно ҳолатлар ҳисобланади. Чунки, одатда никоҳ ёши эркеклар учун 18 ва аёллар учун 17 ёш сифатида белгилаб қўйилган ҳамда амалиётда нисбатан кам ва одатда нотинч оила муҳитида вужудга келадиган ҳолат ҳисобланади. Шундай бўлсада, фикримизча, вояга етмаган ота-она ўз ҳуқуқларини амалга оширишда одатдаги анъанавий ота-оналик ҳуқуқини (яъни, вояга етган ота-онанинг ҳуқуқини) амалга оширишга қараганда бирмунча мураккабликка эга бўлади. Бунда бир тарафдан ота-онанинг ўзининг вояга етмаганлиги бир масала бўлса, бошқа тарафдан ота-оналик ҳуқуқларини қандай ҳажмда амалга оширилиши мумкинлиги аниқланиб олиниши зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулосага келиш мумкинки, ота-оналик ҳуқуқларини амалга оширишда унинг ҳажми ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Шунини эътиборга олганда ҳолда:

- а) тўлиқ ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган ота-оналар;
- б) ота-оналик ҳуқуқлари чекланган ота-оналар;
- в) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлган ота-оналар;
- г) вояга етмаган ота-оналар фарқланади.

Ота-оналик ҳуқуқларини амалга оширишда муайян алоҳида шарт шароитлар мавжуд бўлиши ҳам мумкин. Масалан, боланинг ёки унинг ота-онасининг (узоқ муддат даволанишда бўлиши, муомалага лаёқатсиз бўлиб қолиши ва ҳ.к.) шахсига доир шартлар ҳам таъсир кўрсатади.

Оила кодексининг 75-моддасига кўра, ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас. Болалар

манфаатларини таъминлаш ота-она ғамхўрлигининг асосини ташкил қилиши лозим.

Ота-оналик ҳуқуқини амалга оширишда ота-она болаларининг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказишга ҳақли эмас. Болаларни тарбиялаш усуллари менсимаслик, шафқатсизлик, кўполликдан, инсоний кадр-қимматни камситувчи муомаладан, болаларни ҳақоратлаш ёки эксплуатация қилишдан ҳоли бўлиши керак.

Ота-она алоҳида яшаганда болаларнинг қаерда яшаши ота-онанинг келишувига биноан белгиланади. Ота-она ўртасида келишув бўлмаса, низо суд томонидан болалар манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади. Бунда суд, боланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, боланинг ёшини, ота-онасининг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни, болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароитлар (ота-онасининг машғулот тури, иш тартиби, моддий ҳамда оилавий аҳволи ва бошқалар) яратиш имкониятини ҳисобга олади.

Ота-оналик ҳуқуқлари қандай усул ва воситалар орқали амалга оширилади? Бу борада Оила кодексининг 10-моддасида “фуқаролар оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларини ўз хоҳишларига кўра тасарруф этадилар”, деб кўрсатилган. Шу билан бирга оила аъзоларининг ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари ҳамда ўз мажбуриятларини бажаришлари оиланинг бошқа аъзолари ва ўзга шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги шартлигини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Юқоридаги нормани шарҳлаш шунга олиб келиши мумкинки, қонун ота-оналарга ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ёки амалга оширмасликка имкон беради. Фикримизча, ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқлардан (масалан, умумий

мулкни бўлиш, алимент мажбуриятлари ва ҳ.к.) ўз хусусиятига кўра фарқланади. Бу ўринда асосий ўринни боланинг манфаатлари эгаллаганлиги боис, боланинг манфаатларини таъминлашга доир ҳуқуқлар ота-оналар томонидан оқилона шартларда амалга оширилмоғи зарур. Тўғри, боланинг манфаатлари нисбий, чексиз, чегарасиз тушунча бўлиши мумкин. Масалан, боланинг доимий равишда ўз устида ишлаши, унга фақат сарҳил таомлар билан боқиш, янги ва замонавий кийимлар олиб бериш, касал бўлганда энг малакали шифокорга кўрсатиш, боланинг жисмоний тарбия, спорт ва бошқа фойдали фаолиятга жалб қилиш ва ҳ.к. боланинг манфаатига мос келиши мумкин. Бироқ, ота-онанинг боланинг барча эҳтиёжларини таъминлашга ҳар доим ҳам имконияти бўлмаслиги мумкин (масалан, касаллиги, кам таъминланганлиги ва ҳ.к.). Шу боисдан ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш айнан боланинг манфаатларига мос равишда ҳамда ота-оналарнинг имконияти доирасида оқилона мезон асосида амалга оширилмоғи лозим.

Бу ўринда боланинг манфаатларини таъминлашга доир ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш қачон мажбурий бўлиши лозим? деган ўринли савол туғилади. Назаримизда, бу ўринда фуқаролик ҳуқуқида мавжуд бўлган оқилоналик, адолатлилик инсофлилик тамойилларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш қачон мажбурий бўлишига доир масала ҳар бир конкрет ҳолатда вазиятдан келиб чиқиб баҳоланмоғи зарур. Масалан, бола касал бўлганда ота-она уни шифокорга олиб бориб кўрсатиши, бунинг учун зарур чора тадбирларни кўриши зарур. Бунда гарчи ота-онада моддий имконият, вақт бўлмаслиги ушбу ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятидан озод этмайди. Шу боисдан ҳам оила ҳуқуқида ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларини бажариш айнан мажбуриятларнинг (вояга етмаган шахсга) нисбатан кўплиги, уни бажармаслик эса, тегишли жавобгарликни келтириб чиқариши мумкинлигини назарда тутати.

## **II БОБ. ОТА-ОНАЛАРНИНГ БОЛАЛАРИГА НИСБАТАН ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРИ МАЗМУНИ**

### **2.1. Ота-она ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглиги**

Бугунги кунда эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги одатдагидек, бўлиши лозим бўлган ҳолатдек туюлса-да, унда кенг маъно мужассамланган. Бутун дунёда эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги борасида ҳали ҳам баҳслар давом этаётган бир вазиятда мамлакатимизда аёлларга алоҳида ҳурмат ва эътибор қаратилмоқда.

Бу борада хорижий мамлакатлар Конституциясига эътибор қаратсак, Италия Конституциясида оила никоҳга асосланган табиий иттифоқ сифатида тан олинади (29-модда). Грецияда Конституцияга мувофиқ, оила миллатни сақлаш ва ривожлантириш асоси ҳисобланади (21-модда). Ирландия Конституциясида эса, оила жамият асосини бирлаштирувчи табиий, дастлабки манба, шунингдек ахлоқий институт бўлиб, шахсдан ажралмайдиган ва бегоналаштирилмайдиган ҳамда ҳар қандай позитив ҳуқуқдан олдинги ва унга нисбатан олий ҳуқуқ саналади (41-модда). Испания Конституциясида эркак ва аёл тўлиқ ҳуқуқий тенглик асосида никоҳга киришиши мумкин (32 -модда). Худди шундай норма Португалия Конституциясида ҳам мавжуд (36 -модда). Япония Конституциясида эса, никоҳ фақат ҳар икки тарафнинг ўзаро розилиги асосида тузилиши мумкин (24 -модда)<sup>1</sup>.

Аввало, Конституцияда эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги тўғрисида қоида мустаҳкамланган. Шунингдек, аёллар ҳуқуқларини эркаклар ҳуқуқлари билан тенглаштирибгина қолмай балки бу тенгликни қўшимча ҳуқуқий кафолатларини ҳам яратиб бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 3-моддасига кўра барча фуқаролар оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эгадирлар. Никоҳ тузиш чоғида жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши,

---

<sup>1</sup> Конституции зарубежных государств. М.: 1997. с.249.,374.,с.306.,с.445; Конституции государств европейского союза . //Под ред.Л.А.Окунькова. М.: 1997. С.351.

эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи ҳамда бошқа ҳолатларига қараб ҳуқуқларни муайян тарзда бевосита ёки билвосита чеклашга, бевосита ёки билвосита авзалликлар белгилашга ҳамда оила муносабатларига аралашшишга йўл қўйилмайди, деган қоида мустаҳкамланган.

Ҳозирда аёллар ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида фаол меҳнат қилишмоқда. Давлат ва жамият ҳаётининг қайси соҳаси бўлмасин, унда аёлларнинг ўз ишларига алоҳида масъулият билан ёндошаётганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганларидек, “аёлларимиз, опа-сингилларимизнинг меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг салоҳиятидан фаол ижтимоий, маданий, социал ва иқтисодий соҳаларда, болалар тарбиясида янада самарали фойдаланиш мақсадида илгари кўрилмаган аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, бу борада “Оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ҳукумат қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ хонадонларнинг маиший ва ошхона электр жиҳозлари билан таъминланишини яхшилаш, аёлларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллаштиришга қаратилган истеъмол кредитларини кенгайтириш бўйича катта ишлар қилинди”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бир томондан фуқароларнинг бир томондан қайси жинсга мансуб эканликдан қатъий назар сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларининг тенглигини тан олса, иккинчи томондан аёллар ва оилавий мажбуриятларни бажариш билан банд бўлган шахслар учун қўшимча кафолатларни белгилайди. Бундай кафолатлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

-ҳомиладорлиги ёки ёш боласи борлиги туфайли аёлларнинг ишга олинишини рад қилиш ва иш ҳақини камайтириш таъқиқланган. Аёлнинг

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. //Халқ сўзи, 07.12.2012й.

ҳомиладорлиги ёки ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб уни ишга олишдан ғайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш учун ишга олиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилади (ЎзР ЖК 148-моддаси);

-ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган аёлларни ишга олишда дастлабки синов муддатларни белгилашга йўл қўймаслик. Хотин-қизлардан ноқулай меҳнат шароитидаги ишларда, ер остидаги ишларда фойдаланишни таъқиқлаш, шунингдек хотин-қизлар учун белгиланган нормалардан ортиқ оғир юкларни кўтариши ва ташишга йўл қўйилмаслик;

-хотин-қизларга ҳомиладорлиги туфайли ва туғиш бўйича таътил бериш, бунда таътил кунини туғишга қадар етмиш календарь куни ва туққандан кейин 56 календарь куни (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда 70 календарь куни) қилиб белгилаш. Таътилнинг барча кунлари учун аёлнинг ўртача иш ҳақининг 100 % миқдорида давлат ижтимоий суғурталаш бўйича нафақа тўлаш;

-ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугагач, аёлни хоҳишига кўра болани парваришlash учун таътил бериш;

- икки ёшга тўлмаган боласи бор ва ишлашни хоҳлаётган аёлларга иш куни давомида болани овқатлантириши учун иш вақтига кирадиган ва ўртача иш ҳақи бўйича ҳақ тўланадиган танаффуслар беришни белгилангани;

-уч ёшга тўлмаган боласи бор ва давлат бюджети томонидан молиялаштирилладиган муассаса ва ташкилотларда ишлайдиган аёллар учун меҳнат ҳақини камайтирмасдан қисқартирилган (35 соат) иш ҳафтасини жорий этиш;

-иш берувчига, тиббий хулосага кўра ҳомиладор аёлларга ишлаб чиқариш меъёрларини, хизмат кўрсатиш меъёрларини камайтириш ёхуд ҳомиладор аёлларни, шунингдек, икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни нисбатан енгил ишга ўтказиш ёки ишлаб чиқаришнинг ноқулай

шароитдаги ишидан озод қилиш, бунда аввалги иши учун тўланадиган ҳақни сақлаб қолиш ваколатини берилганлиги;

-ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам кунларида ишга жалб қилишни ва хизмат сафарига жўнатишни таъқиқлаш. Яна шуни таъкидлаш лозимки, ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар тунги ишларга фақат бу ишнинг она ва бола соғлиғига хавф туғдирмаслиги тўғрисида тиббиёт хулосаси мавжуд бўлгандагина жалб қилиш мумкин;

-иш берувчининг ҳомиладор аёлларнинг ёки ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи бор (ногирон бўлса ўн олти ёшгача) аёлларнинг, шунингдек қарамоғида ёш болалари бўлган аёлларнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтасини ўрнатиш ваколатини мустаҳкамлаш;

-ҳомиладор аёллар ва туққан аёллар учун уларнинг хоҳишига кўра ҳомиладорлик ва туғиш таътили олдидан ёки ундан кейин ёхуд бола парваришлаш таътилидан сўнг таътил бериш.

Оила кодексининг 97-моддасига кўра, вояга етмаган болаларига алимент тўлаш ва уларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир. Шу билан бирга вояга етган, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари ҳам тенгдир.

Ота-она ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглиги оила кодексига мустаҳкамланган бўлиб, ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар (Оила кодекси 71 -модда).

Ушбу моддада белгиланган қоидага кўра, қўйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

1) ота-оналар ўз болаларига нисбатан мутлақо тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Бу дегани, улар бир хил:

а) фарзандларини тарбиялаш ва тегишли таълим тарбия бериш; б) ўз фарзандлари билан кўришиш ва улар билан вақтларини ўтказиш ( шу

жумладан дам олиш, маданий маърифий тадбирларга бориш, санаторий курорларга, дала ҳовлили ва ҳ.к. бориш); в) ўз фарзандлари манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг қонуний вакили сифатида судда, давлат органларида иштирок этишга ҳақлидир.

2) ота-оналар ўз фарзандларига нисбатан бир хилдаги мажбуриятларга эга бўлади. Чунончи:

а) фарзандларини тарбиялаши ва улар манфаатларини ҳимоя қилиши; б) фарзандларига таъминот бериши, уларга ғамхўрлик қилиши; в) алимент мажбуриятларини бажариши; г) бошқа ота (онага) ҳамда боланинг қариндошларига нисбатан бола билан кўришиш ва тарбиялашда иштирок этишига тўсқинлик қилмаслиги шарт;

3) ота-оналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир нормалар:

а) вояга етмаган ота-оналар доир қоидаларда (Оила кодекси 72-модда); б) боладан алоҳида яшавчи ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш (Оила кодекси 76-модда); в) фарзандларига нисбатан қўшимча ҳаражатларни амалга ошириш (Оила кодекси 108-модда); г) ота-оналик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш (Оила кодексининг 78-модда)сида ифодаланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки:

1) ота-оналик ҳуқуқлари (яъни, бунинг учун алоҳида суд қарори, васийлик ва ҳомийлик органи қарори ёки бошқа давлат органининг қарори, ФХДЁдан бирон бир ҳужжат тақдим қилинмасдан) автоматик тарзда тугатилади; а) бола вояга етиши билан, яъни 18 ёшга тўлганда; б) вояга етмаган боланинг 18 ёшга тўлмасдан никоҳга кириши муносабати билан; в) вояга етмаган боланинг 18 ёшга тўлмасдан тўла муомала лаёқатини қўлга киритиши муносабати билан (эмансипация)<sup>1</sup>.

2) шунингдек, қуйидаги ҳолларда:

а) ота-онанинг ёки боланинг вафот этиши муносабати билан; б) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши билан; г) бошқа ота-она томонидан

---

<sup>1</sup> Гувев А.Н. Постатейный комментарий к части 1 ГК РФ. М.: Экзамен, 2006.

болани фарзандликка олиниши муносабати билан; д) фарзандликка олишни белгиланган тартибда бекор қилиниши муносабати билан ота-оналик ҳуқуқи тугайди.

Ота-оналик ҳуқуқлари болалар ўн саккиз ёшга тўлганларида (вояга етганда), шунингдек вояга етмаган болалар никоҳга кирганларида ҳамда қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда болалар вояга етмасдан тўла муомала лаёқатига эга бўлганларида тугайди (масалан, ФК 28-модда).

## **2.2. Вояга етмаган ота-онанинг ҳуқуқлари**

Оила кодексининг вояга етмаган ота-онанинг ҳуқуқларига доир қоидалари ва уни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур нормалар оила қонунчилигига киритилган новелларидан бўлиб ҳисобланади. Унга кўра, вояга етмаган шахслар агар улар фарзандлик бўлишса, у ҳолда уларнинг ота-оналик ҳуқуқлари тан олинади ва вояга етмаган ота-она ўз боласи билан бирга яшаш ва унинг тарбиясида иштирок этиш ҳуқуқига эга (72-модда).

Оила қонунчилигида назарда тутилган вояга етмаган ота-оналар томонидан ўз ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш объектив сабаблар билан боғлиқ бўлиб, улар боланинг ҳам, ота-онанинг ҳам ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Юқорида кўрсатиб ўтилган норма вояга етмаган ота-онанинг оталик (оналик) фактига асосланади. Оила кодекси вояга етмаган ота-онадан боланинг туғилганлигини аниқлаш асослари ва тартибига, уларни ФХДЁ органида қайд қилинишига доир чекловларни назарда тутмайди. Мазкур ҳолатда боланинг туғилганлигини қайд қилиш одатдаги тартиб асосида амалга оширилади. Ота-оналар ёки васий (ҳомий)ларнинг болани туғилганлигини қайд этишга розилиги талаб қилинмайди. Демак, вояга етмаган ота-она ўз оталиги ва оналигини умумий асосларда эътироф этиш ёки бунга эътироз билдириш ҳуқуқига эгаллиги таъминланади.

Вояга етмаган ота-онанинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш бир қатор ҳолатларга боғлиқ. Жумладан:

- а) вояга етмаган ота-она қонуний никоҳ тузганми ёки йўқми;
- б) вояга етмаган ота-онанинг ёши.

Ўзаро никоҳда бўлмаган вояга етмаган ота-она улардан бола туғилганда ҳамда уларнинг оналиги ва (ёки) оталиги белгиланганда ўн олти ёшга тўлишлари билан ота-оналик ҳуқуқларини мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидирлар. Вояга етмаган ота-она ўн олти ёшга етгунга қадар, болани вояга етмаган ота-она билан биргаликда тарбиялаш учун болага васий тайинланиши мумкин.

Қоида тариқасида вояга етмаган ота-онанинг васийси этиб унинг қариндошлари (агар улар васий бўлиш истагини билдирган бўлишса, бундан ташқари васийларга доир қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ бўлса) тайинланиши мумкин. Табиийки, вояга етмаган ота-онанинг қариндошлари расмий равишда унга васий тайинланмасдан ҳам ёрдам кўрсатади ва ушбу ҳолат ҳаётда кузатилиши мумкин. Ўн олти ёшга тўлмаган вояга етмаган ота-онанинг боласи фарзандликка олинаётганда ушбу масала ҳал қилиниши учун унинг ота-онаси ёки васий (ҳомий)си иштирок этиши зарур. Улар бўлмаган ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органи иштирок этади<sup>1</sup>.

Боланинг васийси билан вояга етмаган ота-она ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этилади. Бундай низони ҳал қилиш оқибати турлича бўлиши мумкин. Масалан, васий томонидан ўзига юклатилган мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаган тақдирда у ушбу мажбуриятдан озод қилиниши ва қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка ҳам тортилиши мумкин. Узрли ҳолатлар мавжуд бўлганда эса (касаллик, боланинг ота-онаси билан

---

<sup>1</sup> Пчелинцева Л.М. Семейное право России. Учебник. 3-е изд. М.: Норма, 2004. 307 б.

ўзаро тушунмовчиликлар ва ҳ.к.) васий ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунининг<sup>1</sup> 3-моддасида кўрсатилишича, васийлик - ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли. Ҳомийлик эса, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, соғлиғининг ҳолатига кўра мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга бу шахсларнинг илтимосига кўра ҳомийлик белгиланиши мумкин.

Оила кодексининг 72-моддасига мувофиқ вояга етмаган ота-она ўз оталиги ва оналигини умумий асосларда эътироф этиш ёки бунга эътироз билдириш ҳуқуқига эгадир. Оила кодексининг 67-моддасига асосан боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб, васийлик ва ҳомийлик органига,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 1-модда.

ўн тўрт ёшга тўлгандан кейин эса, мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Вояга етмаган ота-оналарга нисбатан Оила кодексининг ота-оналик ҳуқуқлари мазмуни, ота-оналик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ота-оналик ҳуқуқларини чеклаш ёки маҳрум қилиш, боланинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид вужудга келганда ота-онадан болани олиб қўйишга доир қоидалар ҳам татбиқ этилади.

Оила қонунчилигида белгиланган вояга етмаган ота-онанинг ҳуқуқларига доир қоидалардан шу нарса англашиладики, ҳар икки ота-она ҳам вояга етмаган (яъни, 18 ёшга тўлмаган) бўлади, шунингдек ҳеч бўлмаса ота (она)нинг бири бола туғилган вақтда вояга етмаган бўлади.

Ҳар бир вояга етмаган ота-она фарзанди билан бирга яшаш ҳуқуқига эга. Бошқача айтганда, ушбу вояга етмаганларнинг ота-оналари (яъни, бобо ва бувилари) ўз фарзанди билан бирга яшашларига тўсқинлик қилмасликлари лозим. Ушбу қоида бошқа барча учинчи шахсларга ҳам, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органига ҳам таллуқли ҳисобланади.

Вояга етмаган ота-оналар фарзандини тарбиялашда қатнашиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуққа нисбатан токи улар қонунда белгиланган тартибда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ёки ота-оналик ҳуқуқлари чекланмаган экан, унга нисбатан бирон бир чеклов жорий қилиниши мумкин эмас.

Вояга етмаган ота-онанинг ҳуқуқлари умумий асосларда ҳимоя қилинади. Оила кодексининг 72-моддасида белгиланган қонуннинг хусусияти шундаки, ушбу моддада белгиланган ҳолатлар ота-оналар вояга етмаган бўлганда; ҳар иккала ота-она ўн олти ёшга тўлмаган; ҳар икки ота-онанинг ота-оналиги аниқланган. Бошқача айтганда бола ушбу вояга етмаган шахслардан туғилганлиги шубҳа остида бўлмайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган вояга етмаган ота-оналар:

а) ўн олти ёшга тўлганидан сўнг ўзлари мустақил равишда (яъни, васий тайинланмаган ҳолда, ташқи аралашувларсиз) ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириши мумкин;

б) ўн олти ёшга тўлгунга қадар ўзининг ота-оналик ҳуқуқларини қонунда белгиланган доирада (қайси болага васий тайинланган бўлса) амалга оширади.

Васий ўз навбатида амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳолда тайинланади. Яъни, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддасига кўра, васийлик ёки ҳомийлик бўйича мажбуриятларни бажариш учун туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан васий ёки ҳомий тайинланади. Бунда вояга етган фуқаролар фақат ўз розилигига кўра васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкин. Туман, шаҳар ҳокими васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахснинг ёзма аризасига мувофиқ васий ёки ҳомий тайинлайди.

Ота-оналар вояга етмаган болаларни тарбиялаш борасидаги мажбуриятини бажаришда муайян эҳтиёткорликларга ҳам риоя қилмоқлари зарур. Хусусан, ота-оналар болаларга жисмоний ва руҳий зарар етказмаслиги, ахлоқий ривожланишига тўсқинлик қилмаслиги талаб қилинади. Бу борада тарбиялаш жараёнида шавқатсиз, кўпол, инсон шаъни ва қадр қимматини камситувчи, ҳақоратловчи ва болани мажбурий меҳнат қилдириш йўсинида тарбиялаш мумкин эмас.

Оила кодексида (73-модда) ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эгаллиги белгилаб қўйилган. Ўз фарзандини тарбиялаш ҳуқуқи ҳар қандай ота-онанинг шахсий ва ажралмас ҳуқуқи саналади. Ота-она мазкур ҳуқуқдан фақатгина қонунда назарда тутилган ҳолларда маҳрум бўлиши мумкин. Таъкидлаш керакки, ота-она ўз фарзандини тарбиялаш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиши мумкин эмас. Яъни, бу ўринда шахслар алмашилиши ёки мажбуриятни бошқа учинчи шахс томонидан бажариш каби фуқаролик

ҳуқуқий конструкция мавжуд бўлмайди. Шунинг ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозимки, муайян вазиятларда ота-оналар ушбу мажбуриятни вақтинча бошқа шахсларга ҳам юклаши мумкин. Масалан, бобо ва бувиларга ёки ёлланган тарбияловчига ёхуд болани турли муассасага (болалар боғчаси, ясли ва бошқаларга) ҳам тарбиялашга бериши мумкин. Мазкур ҳолатлар истисно сифатида қўлланилади дейиш мумкин ҳамда ушбу ҳолат вақтинчалик характер касб этади ҳамда ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз фарзандини тарбияси ва ривожланиши учун тўлиқ жавобгар бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 октябрдаги “Болаларни тарбиялашни такомиллаштиришга, соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 280-сон қарори<sup>1</sup>да болаларнинг фаровонлигини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, камол топаётган авлоднинг манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни кенг ёритиш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишни кучайтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, болаларга таълим бериш, уларни тарбиялаш ва камолга етказиш сифатини ошириш, оилаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш, болаларни тарбиялаш учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий ночор болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, болалар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, одил судлов соҳасида бола манфаатларини таъминлаш каби вазифаларни бажариш назарда тутилган.

Вояга етмаган ота-оналарга нисбатан Оила кодексининг ота-оналик ҳуқуқи мазмуни, ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ота-оналик ҳуқуқини чеклаш ёки маҳрум қилиш, боланинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилганда уни олиб қўйишга доир қоидалари бевосита татбиқ қилинади.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 42-сон, 452-модда

### **2.3. Ота-онанинг болаларга таълим-тарбия беришга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Оила кодексининг 73-моддасига мувофиқ ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт деб кўрсатилган. Бу ўринда ҳуқуқ ҳамда мажбурият бир моддада бир вақтнинг ўзида ифодалаб кўйилган. Шу билан бирга ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгар ҳисобланади. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт. Бу борада ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга бўлади.

Юқоридаги норма таҳлили шуни кўрсатадики, ота-оналар ўз болаларини тарбиялаш борасида нафақат ҳуқуққа балки, мажбуриятга ҳам эга ҳисобланади. Ушбу мажбуриятларни бажармаслик қонунда назарда тутилган турли жавобгарликларни ҳам келтириб чиқаради. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 993-моддаси, Оила кодексининг 75-моддаси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47-моддасида белгиланган тартибда жавобгар бўлиши мумкин.

Бу ўринда гарчи қонунчиликда ота-оналарнинг вояга етмаган болаларни тарбиялаш борасидаги мажбуриятлари аниқлаштирилмаган бўлсада, ота-оналар вояга етмаган шахсларни тарбиялаш борасида тенг равишда жавобгар саналади. Шу билан бирга ота-оналарнинг ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари лозимлигига доир йўналишлар белгиланган ва алоҳида нормаланган. Мазкур мажбуриятни қай тарзда бажариш, ғамхўрликни қай даражада қўллаш ота-оналарнинг ўзларининг зиммаларида бўлади.

Боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-

оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб, васийлик ва ҳомийлик органига, ўн тўрт ёшга тўлгандан кейин эса, мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунда васийлик ва ҳомийлик органининг вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир ҳаракатлари қонун доирасида бўлиши, ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатни янада чигаллаштиришга, тушунмовчиликлар ва салбий муносабатни вужудга келишига олиб келмаслиги зарур.

Ота-оналар вояга етмаган фарзандларига таълим тарбия беришда қўйидагиларга алоҳида эътибор беришлари лозим: болалар тарбиясига доир ўқув қўлланмалар нашр қилиш; болаларни турли ахборот ҳуружидан ҳимоя қилишга қаратилган махсус адабиётлар чоп этиш ва бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини кучайтириш; болаларни ахлоқий ва жисмоний камолоти йўлида давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб қувватлаш.

Ота-оналар мустақил равишда фарзандлари таълим оладиган муассасани уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда танлайдилар<sup>1</sup>. Боланинг эҳтиёжлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда дастурлар таълим муассасасида кундузги, сиртқи, мустақил таълим, экстернат шаклларида ўзлаштирилиши мумкин. Таълим олишнинг турли шакллари уйғунлашувига ҳам руҳсат берилади. Бироқ, шуни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керакки, ҳар қандай таълим шаклида ҳам ягона давлат таълим стандартлари белгиланган. Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди. Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир (“Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддаси).

---

<sup>1</sup> Зайцев Е., Семина Л. Права, обязанности и ответственность детей, родителей и работников образовательных учреждений в сфере отношений, связанных с образованием и воспитанием //Правозащитник. 1997. № 2. С. 11.

Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими олишлари учун жавобгардирлар.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига кўра, жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий маъқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

Болаларнинг фикрини эътиборга олган ҳолда ота-оналар болалар томонидан қўшимча таълим олиш масаласини ҳал қилишлари мумкин. Ушбу имкониятлар қўшимча таълим олиш имконини берувчи таълим муассасалари (турли тўғарақлар, касбий тайёргарлик маркази, мусиқа ва бадий мактаблар, тасвирий санъат мактаблари, болалар ижодиёти марказлари, спорт мактаблари ва бошқа таълим муассасалари)да амалга оширилади<sup>1</sup>.

Бу ўринда ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон болаларга таълим тарбия бериш алоҳида эътиборни талаб қилади. Таъкидлаш лозимки, етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш ва уларни боқиш давлатнинг тўла таъминоти асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш, уларни тарбиялаш ҳамда даволаш учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилади. Болалар ва ўсмирларни ушбу

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-910-сон Қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 267-модда; 2011 й., 52-сон, 561-модда.; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.05.2010 йилдаги “Болалар спорти объектларидан

таълим муассасаларига юбориш ва улардан чиқариш ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосасига биноан амалга оширилади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунида ногирон болалар яъни, жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтож ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларни таълим тарбия олишлари билан боғлиқ ҳуқуқлари кафолатланган. Унга кўра, ногиронларнинг таълим олиши, уларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш: ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган шаклларда, экстернат, масофадан ўқитиш, давлат таълим стандартлари асосида оиладаги таълим ва мустақил таълим шаклларида амалга оширилади (Қонуннинг 15-модда).

Ота-оналарнинг таълим муассасаси ҳамда шаклини танлашларида турли омиллар таъсир кўрсатади. Жумладан, боланинг соғлиғи, унинг имкониятлари, қобилияти, оилавий анъаналар, ота-онасининг касб қори, таълим муассасасининг рейтинги, унинг жойлашган жойи ва ҳ.к. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ота-оналар ушбу масалани ҳал қилишда аввало боланинг манфаатлари, иқтидори ва имкониятидан келиб чиқиб, унинг хоҳишини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилмоғи зарур.

Оила кодексининг 73-моддасига мувофиқ ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга бўлади. Шунингдек, ота-она болаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаши шарт қилиб белгиланган. Унга

---

фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-1332-сон Қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 18-19-сон, 138-модда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда.

кўра, ота-оналар бошқа шахслар олдида болаларини шахсан тарбия қилишда устун ҳуқуққа эгадирлар ва болаларини қонунга асосланмаган ҳолда ушлаб турган ҳар қандай шахсдан қайтарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар. Бу талабни кўришда суд болани ота-онасига қайтариш унинг манфаатларига зид деган хулосага келса, боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онанинг даъвосини рад қилишга ҳақли<sup>1</sup>.

Суд амалиётига мурожаат қиладиган бўлсак, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судига 2014 йил август ойининг 23 куни даъвогар Утегенованинг жавобгар Утегенов ва қўшимча жавобгар Алиевага нисбатан фарзандларни олиш ҳақидаги фуқаролик ишини кўриб чиқади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, Тошкент шаҳар Сергели тумани Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими қошидаги Васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тузилган далолатнома асосида даъвогарнинг яшаш уйида болалар тарбияси учун барча шароитларнинг мавжудлиги ва фарзандни олиб бериш ҳақидаги даъво аризасини қаноатлантириш лозимлиги ҳақида хулосага, ҳамда Тошкент шаҳар Учтепа тумани Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими қошидаги Васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тузилган далолатнома асосида эса жавобгарнинг яшаш уйида ҳам болалар тарбияси учун шароитнинг етарли эканлиги ҳақида хулосага келинган. Тарафлар фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи касалликка чалинишмаган. Шунингдек, даъвогар яшаш жойи бўйича ижобий тавсифланган.

Бундай ҳолатда суд тарафларнинг катта фарзандларини тарбиялашлари учун ҳар икки тарафнинг шароит ва имкониятлари етарлилиги ҳақидаги Васийлик ва ҳомийлик органларини хулосаларига ҳуқуқий баҳо бериб, томонларнинг катта фарзанди ҳали вояга

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарори. 1998 йил 11 сентябрь,

етмаганлигини ва жуда ёшлигини, қолаверса, унинг қиз бола эканлигини, шу сабабли унинг отаси ва бошқа яқинларидан кўра онасининг парвариши, ёрдами ва маслаҳатларига кўпроқ мухтож бўлишини, вояга етмаган боланинг онасидан ажратилган ҳолда яшаши унинг келгусидаги тарбияси, руҳияти, маънавияти ва камолотига салбий таъсир қилиши мумкинлигини, шунингдек, болалардан бирининг даъвогар қарамоғида, иккинчисининг жавобгар қарамоғида эканлигини, туғишган опа-сингил ҳисобланган болаларнинг бир-бирларидан айрилган ҳолда ва фарқли шароитларда яшашлари улар ўртасидаги ўзаро меҳр туйғуси ва бошқа илиқ муносабатларнинг шаклланишига тўсқинлик қилиши мумкинлигини, бундан ташқари даъвогар Утегенова Гулнора Бахтияровнанинг ўз фарзандини тарбиялашда бошқаларга нисбатан устун мавқега эга бўлган ҳуқуқини амалга оширишига жавобгарлар томонидан тўсқинлик қилиб келинганлигини инобатга олади.

Суднинг ҳал қилув қарорига асосан даъво талаблари қаноатлантирилади ва Утегеновнинг бир нафар вояга етмаган фарзанди жавобгарлар Утегенов ва Алиеванинг қарамоғидан даъвогар Утегенова тарбиясига олиб берилган<sup>1</sup>.

Юқоридаги суд амалиёти материалидан шу нарса маълум бўладики, гарчи тарафларда вояга етмаган болани таълим тарбия бериш учун барча шароитлар мавжуд бўлсада, қиз болага она томонидан таълим тарбия берилиши ҳақида тўғри хулосага келинган. Мазкур ҳолатда агар вояга етмаган қиз боланинг онаси ахлоқи, турмуш тарзи ва бошқа ҳолатлар юзасидан салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлмаган ҳолатларда она тарбиясида бўлиши мақсадга мувофиқ. Шунини ҳам унутмаслик керакки, ота-оналар аксарият ҳолатларда ўзларининг жанжалларининг асосий предмети сифатида вояга етмаган фарзандларини кўришади. Албатта, ушбу ҳолат ота-оналарнинг маънавияти етарли даражада бўлмаслигидан,

---

сон.

<sup>1</sup> Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро суди архиви 1-4972/14-сонли иш.

ўзаро муносабатларни ойданлаштириш, фарзанди орқали “муносабатни ойдинлаштиришга” интилишидан далолат беради, холос.

Шундай ҳолатлар ҳам бўлиши мумкинки, суд муҳокамаси жараёнида боланинг ота-онаси ҳам, бола бирга яшаётган бошқа шахслар ҳам болани лозим даражада таълим тарбия олишини таъминлай олмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда суд даъвони қаноатлантиришни рад этган ҳолда болани васийлик ва ҳомийлик органига топшириши, улар томонидан боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳамда болани жойлаштиришнинг бошқа қулай шароитларини таъминлашларини назарда тутиш мумкин.

#### **2.4. Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Маълумки, ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилиш инсон ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш учун берилган муҳим кафолат саналади. Ҳуқуқий муносабатлар субъектлари ўзларига тегишли ҳуқуқларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи қонунчиликда назарда тутилади. Ушбу ҳуқуқ ўз таркибига ҳуқуқлардан фаол фойдаланиш, жумладан, ҳимояланиш ҳуқуқини (бу шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XII-бобида ҳам кўрсатилган) ҳам, ўз ҳуқуқларини амалга оширишни рад этишни ҳам олади. Яъни ҳуқуқ субъектида танлаш имкониятлари бўлиб, ҳуқуқ эгасини бирон шахс томонидан қарор қабул қилишга мажбурлашга йўл қўйилмайди. Масалан, томонларда бири шартнома шартларини бузган тақдирда товон ундиришга ҳақли томон уни талаб этиши ёхуд ўз ихтиёри ва манфаати асосида ундан воз кечиши мумкин (ЎЗР ФК 1-моддасининг иккинчи қисмида шунга ўхшаш ҳуқуқ кўрсатилган).

Бу ўринда юқоридаги қоида ҳар бир ҳуқуқ соҳаси учун мажбурийдир деган фикрдан йироқмиз. Айрим ҳуқуқ соҳалари ҳуқуқ ва манфаатларни

ҳимоя қилишда махсус тизим мавжуд бўлишини жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали ҳимоя қилишни ҳам назарда тутлади. Бу ўринда оилавий ҳуқуқий муносабатларда фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган умумий қоидаларга ҳам таяниш мумкин. Масалан, фуқаролик ҳуқуқида мавжуд бўлган вояга етмаган болаларнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатда иштирок этиши, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қоидалар оила ҳуқуқида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга оила ҳуқуқида вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муҳим қоидалар ҳам белгиланган.

Вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг ота-онаси зиммасига юклатилади. Шу билан бирга ота-она ўз болаларининг қонуний вакиллари ҳисобланадилар, ҳамда ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларда, шу жумладан судда алоҳида ваколатсиз уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Ота-оналар мазкур ҳуқуқий ваколатларни амалга оширишда оқилоналик, адолатлилик каби тамойилларга риоя қилишлари талаб қилинади. Бу ўринда “ҳалоллик”, “оқиллик” ва “адолат” тушунчаларига бу ҳолда нафақат юридик-ҳуқуқий, балки маънавий-ахлоқий мазмун ҳам киритилади. Наинки нормал иқтисодий фаолият, жамиятнинг бутун ҳаёти ҳам фаолиятнинг асосида маънавий тамойил ва ахлоқ нормаларисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Қонунчилик ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари асосида унинг номидан иш юритаётган шахс ўз ҳаракатларида ҳалоллик ва оқилликка таяниб иш кўриши мажбурий талаб эканлигини қўшиб қўйиши лозим (ЎзР ФК 45-моддаси).

Ота-оналар вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суистеъмолликка йўл қўймасликлари зарур. ФК 9-моддасининг тўртинчи қисмида ҳуқуқни суистеъмол қилишга йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидланиб, ҳуқуқни суистеъмол қилишнинг аниқ шакллари келтирилади: фуқаролар

ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга ҳамда ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатлари. Ҳуқуқни суистеъмол қилишнинг бу шакллари асосида субъектив омил - ҳуқуқдан ўзга шахснинг зарарига фойдаланиш ёки ҳуқуқдан унинг мақсадига зид тарзда фойдаланиш қасди ётади. Бошқа ҳолларда ҳуқуқни суистеъмол қилишга оид ҳаракатлар мазкур ҳуқуққа эга шахс томонидан ўз манфаатлари йўлида содир этилади, аммо бунинг натижасида субъектив ҳуқуқ қонунчиликда белгиланган доирадан ташқарига чиқиб, фуқаролик муомаласининг бошқа иштирокчиларини ҳуқуқ ва манфаатларини бузади. Бунда мазкур ҳуқуқнинг эгаси бўлган шахснинг содир этилаётган ҳаракат ва унинг оқибатларига муносабати билвосита қасд қилиш ёки эҳтиётсизлик шаклида ифодаланиши мумкин. Мазкур ҳуқуққа эга шахсда бундай қасднинг бор-йўқлигини аниқлаш билан суд шуғулланиши лозим. Уни исботлаш юки, мазкур ҳуқуққа эга шахс уни суистеъмол қиляпти, деб таъкидлаётган субъект зиммасига тушади<sup>1</sup>.

Муайян ҳолатларда ота-оналар ва болаларнинг манфаатлари бир бирига мос келмаслиги ёки бир бирига қарама қарши бўлишликлари ҳам мумкин. Мазкур ҳолатларда васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ота-она ва болалар манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик борлиги аниқланганда, ота-она ўз болаларининг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақли эмас. Ота-она ва болалар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлганда васийлик ва ҳомийлик органи болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил тайинлаши шарт.

Ота-онанинг болани тарбиялаш ҳуқуқи уларнинг болани шахсан тарбиялаш имконияти мавжудлигини англатади ва бунинг учун бола улар билан бирга бўлиши лозим. Бошқа шахслар томонидан ҳеч қандай қонуний асосларсиз болани ушлаб туриши ота-оналик ҳуқуқларини бузиш ҳисобланади. Шу сабабли қонун чиқарувчи ота-онага нафақат ота-оналик

---

<sup>1</sup> Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик кодексига шарҳлар. Т.: 2010. Бактрия пресс. 20 б.

ҳуқуқлари мавжудлигини эътироф этади, балки ота-оналик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир махсус чораларни ҳам белгилаб беради.

Оила кодексининг 78-моддасига мувофиқ, ота-она болани қонунга асосланмасдан ушлаб турган ҳар қандай шахсдан унинг қайтарилишини талаб қилишга ҳақли. Низо чиққан тақдирда, ота-она ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишга ҳақли. Ота-онанинг болани қайтарилишини талаб қилишда ҳуқуқи уларнинг бошқа шахсларга нисбатан устунликка эгаллигини кўрсатади (Оила кодекси 73-модда).

Демак, бу ўринда бола ўз ота-онасидан бошқа шахснинг шу жумладан, унинг қариндошлари ва бошқа шахсларда бўлиши учун

а) қонуний асос мавжуд бўлиши ёки

б) суд қарори мавжуд бўлиши тақозо этилади.

Шундай ҳолатлар ҳам бўлиши мумкинки, бола (муайян муддатга) ота-оналари томонидан у ёки бу сабабларга кўра (хизмат сафари, таътил, яшаш жойида муайян муддат бўлмаслик ва ҳ.к.) ўз қариндошлари (бобо, буви, хола, амма, тоға, амаки) ёки танишлари тарбиясига қолдирилиши мумкин. Ушбу муддат ўтгандан сўнг бола тарбиясида вақтинча қолдирилган шахслар болани турли сабабларга кўра (масалан, уларга боғланиб қолганлиги, бола уларга қайтишни хоҳламаслиги ва ҳ.к.) қайтаришни рад этса, у ҳолда ота-оналар ўз фарзандларини тарбиялаш имкониятидан маҳрум бўлишади ва мазкур ҳолатда уларни оилавий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чорасини қўллаш зарурати пайдо бўлади. Ушбу ҳолатда бола ўз ота-онасига давлат ёки бошқа органларнинг аралашувларисиз қайтарилиши мумкин. Бу борада низо келиб чиққан ҳолларда (болани оилага қайтаришга доир ҳар қандай қаршиликлар) ота-оналар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб судга мурожаат қилишлари мумкин бўлади.

Ота-оналарнинг ўз фарзандларини тарбиялашга доир устунлик ҳуқуқи суд томонидан ҳар доим ҳам инобатга олинмаслиги мумкин. Агар

суд болани ота-онасига қайтариш унинг манфаатларига зид деган хулосага келса, боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онанинг даъвосини рад қилишга ҳақли (Оила кодекси 78-моддаси). Қонунчиликда болани ота-онага қайтариш рад этилиши мумкин бўлган сабабларни аниқ рўйхатини белгиламайди. Суд учун фақат боланинг манфаатлари ва боланинг фикрини ҳисобга олиш шарт қилиб белгиланган. Фикримизча, бундай ҳолатлар ота-онанинг мавжуд ҳуққ атворидаги, турмуш тарзидаги салбий жиҳатлар боланинг лозим даражада тарбияланиши учун имкон бермаслиги ва боланинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилишига имкон бермайдиган вазиятлар сифатида кўрилиши мумкин.

Агар суд ота-она ҳам, болани ўз қарамоғига олган шахс ҳам болага лозим даражада тарбия беришни ҳамда уни камолотга етказишни таъминлай олмайдилар, деб топса, болани васийлик ва ҳомийлик органи қарамоғига олиб беради. Шу сабабли болани нафақат таълим тарбия муассасаларига балки, жойлаштиришнинг бошқа шакллари танилашни ҳам назарда тутиши мумкин бўлади.

Болани ота-она тарбиясига беришга доир даъво ариза билан судга қайтадан мурожаат қилиш ҳуқуқи чекланмайди. Бола ўз ота-онасига суд томонидан дастлабки салбий қарор қабул қилинишидан олдинги вазият жиддий ўзгарган ҳолатларда, шунингдек бола қонунда белгиланган тартибда фарзандликка берилмаган ҳолатларда қайтарилиши мумкин.

Шундай ҳолатлар ҳам бўлиши мумкинки, ота-оналар болани қонуний асосларга кўра ушлаб турган шахслардан (масалан, васийлар, ҳомийлар, тутинган ота-онадан, болалар тарбия муассасаларидан) қайтарилишини талаб қилишади. Бундай вазиятларда аввало, ота-оналар васийлик ва ҳомийлик органидан васийлик ва ҳомийликни бекор қилиш ёки болани оилага тарбияга бериш тўғрисидаги шартномасини муддатидан олдин васийлик ва ҳомийлик органи ташаббуси билан бекор қилиш масаласини ҳал қилмоғи лозим.

## **III БОБ. ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ҲУҚУҚЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ**

### **3.1. Ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилиш**

Маълумки, ҳар бир инсон оилада туғилиб вояга етади. Оила инсон учун муҳим таълим тарбия ўчоғи ҳамдир. Халқимиз азал азалдан оилани муқаддас санаган ҳамда оилавий кадриятлар сақланиши ва авлоддан авлодга ўтказилиши учун ҳаракат қилиб келган.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар - яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир. Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади<sup>1</sup>.

Шундай экан, ҳар бир оила билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатни ўрганиш, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доимо диққат эътиборда бўлиши табиий. Шу билан бирга оила мавжуд экан, у билан боғлиқ (баъзида ота-оналар, баъзилар ота-она ҳамда вояга етмаган болалар ўртасида) тушунмовчиликлар, келишмовчиликлар бўлиб туриши табиий. Шу боисдан оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга эҳтиёж сезилади. Ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилиш оилавий ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг бир бўлаги сифатида кўрар эканмиз, амалдаги қонунчилик оилавий ҳуқуқларни

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. 24 б.

ҳимоя қилиш суд томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш қоидалари бўйича, Оила кодексига назарда тутилган ҳолларда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилишини назарда тутди. Шунингдек, оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш Оила кодексининг тегишли моддаларида назарда тутилган усулларда амалга оширилади (11-модда). Бироқ, бу ўринда ФКда ёки алоҳида фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган усуллар (масалан, муаллифлик ҳуқуқи, товар белгиларини ҳимоя қилиш каби) каби алоҳида ва батафсил кўрсатиб ўтилмаган.

Л.Пчелинцеванинг таъкидлашича, субъектив оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш деганда, мажбурлов характеридаги мустаҳкамланган моддий ҳуқуқий чоралар воситасида бузилган ҳуқуқларни тиклаш (тан олиш) ва ҳуқуқбузарга таъсир кўрсатиш тушунилади<sup>1</sup>. Бу ўринда муаллиф ҳам оила кодексига оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари рўйхати мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Оила кодексига мустаҳкамланган оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари ўз ҳуқуқий табиати бўйича бир хил бўлмасдан, уларни амалга ошириш имкониятига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Юридик адабиётларда ҳимоя чоралари ҳамда жавобгарлик чораларига бўлиш кенг тарқалган. Ушбу чоралар ўз навбатида қўллаш асослари, ижтимоий функцияси, амалга ошириш шаклларига кўра фарқланади. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, жавобгарлик чоралари айбдор шахсга нисбатан қўлланилади ва унинг учун қўшимча мажбуриятлар, муайян оилавий ҳуқуқлардан маҳрум бўлиш кабиларда ифодаланади.

Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари муайян ҳолатларда фақат суд томонидан қўлланилиши мумкин. Масалан, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш, никоҳ шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, фарзандликка олишни бекор қилиш ва ҳ.к.

---

<sup>1</sup> Пчелинцева Л.М. Семейное право России. Учебник для вузов. 3-е издание. –Москва: Норма, 2004. -67 с.

Бошқа ҳолатларда эса, уларни амалга оширишнинг маъмурий тартибини белгилайди, яъни васийлик ва ҳомийлик органи, ФХДЁ органи томонидан (никоҳни ФХДЁ органида бекор қилиш, васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ота-онага болани қариндошлари билан кўришишига тўсқинлик қилмасликка кўрсатма бериши ва ҳ.к.) амалга оширишни белгилайди.

Назаримизда, Оила кодексида ҳуқуқбузарликнинг тури ва хусусиятидан келиб чиқиб қуйидаги оилавий ҳуқуқий ҳимоя усуллари назарда тутилган:

- а) ҳуқуқни тан олиш (Оила кодекси 27, 56-моддалар);
- б) бузилган ҳуқуқни тиклаш (Оила кодекси 48, 56-моддалар);
- в) бир шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бошқа бир шахснинг ҳуқуқларини чекланиши (Оила кодекси 79-модда);
- г) мажбуриятни бажаришга, масалан алимент тўлашга, зарарни қоплашга мажбур қилиш (Оила кодекси 109, 124, 125, 142, 199 -моддалар);
- д) ҳуқуқий муносабатни тугатиш ёки ўзгартириш (Оила кодексининг 32, 100-модда).

Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш кенг маънодаги тушунча саналади. Чунки, мазкур тушунча ўз ичига никоҳ тузиш, никоҳнинг тугатилиши (тугаши) ва уни ҳақиқий эмас деб топиш шартлари ва тартибини, оила аъзолари: эр-хотин, ота-она ва болалар (фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинганлар) ўртасидаги, оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва доирада эса қариндошлар ҳамда ўзга шахслар ўртасидаги шахсий номулкий ва мулкый муносабатларни тартибга солади, шунингдек ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага олиш шакл ва қоидаларини, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш билан боғлиқ жиҳатларни ҳам қамраб олади. Биз қуйида ота-оналик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласини таҳлил этамиз. Оила кодексининг 78-моддасига асосан, ота-она болани қонунга асосланмасдан ушлаб турган ҳар қандай шахсдан унинг

қайтарилишини талаб қилишга ҳақли. Низо чиққан тақдирда, ота-она ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишга ҳақли. Бу талабларни кўришда суд болани ота-онасига қайтариш унинг манфаатларига зид деган хулосага келса, боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онанинг даъвосини рад қилишга ҳақли.

Оила кодексига белгиланган юқоридаги қоида гарчи ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилиш деб номлансада, унинг мазмунида “болаларни ўзларига қайтариш”, “судга мурожаат қилиш” каби қоидаларни назарда тутди. Тўғри, ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилиш боланинг ҳуқуқларидан ажралган ҳолатда бўлмайди, зеро ота-оналикнинг ўзи ўз навбатида уларнинг ота-она эканликларини ҳамда улар ўртасида бола мавжудлигини тақазо этади. Шу боисдан ҳам қонун чиқарувчи ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилишга доир моддада улар ҳуқуқлари бола ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳолда кўради ҳамда уларни ҳимоя қилишга доир қоидаларда белгилаб беради.

Оила кодексининг 78-моддасига кўра:

1) ота-она болани қонунга асосланмасдан ушлаб турган ҳар қандай шахсдан унинг қайтарилишини талаб қилишга ҳақли. Ушбу талаб болани ушлаб турган ҳар қандай шахсга, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларга, давлат органлари ва муассасаларига татбиқ этилади. Бунда кўридаги шартлар мавжуд бўлиши лозим:

а) улар болани қонунга асосланмаган ҳолда ушлаб туришган бўлса (масалан, ички ишлар органи вояга етмаган болани маъмурий ушлаб туриш муддатидан ортиқ ушлаб турса, у ҳолда ота-она болани уларга дарҳол қайтарилишини талаб қилишга ҳақли);

б) улар болани суднинг қарорига асосланмаган ҳолда ушлаб туришган бўлса (бунда суднинг нафақат қарори балки бошқа ҳар қандай ҳуқуқий тусга эга бўлган ҳужжати, ҳукм, ажрими ҳақида кетади). Агар

бола озодликдан маҳрум этилган бўлса, у ҳолда ота-она болани уларга қайтаришни талаб қила олмайдилар;

2) ота-она ҳамда болани ушлаб турган шахслар ўртасида низо чиққан тақдирда, ота-она ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишга ҳақли.

3) суд (ушбу талабни кўриш жараёнида):

а) умумий қоидага асосан ота-онанинг талабини қаноатлантириши лозим;

б) суд болани ота-онасига қайтариш унинг манфаатларига зид деган хулосага келса, боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онанинг даъвосини рад қилишга ҳақли.

Агар суд ота-она ҳам, болани ўз қарамоғига олган шахс ҳам болага лозим даражада тарбия беришни ҳамда уни камолотга етказишни таъминлай олмайдилар, деб топса, болани васийлик ва ҳомийлик органи қарамоғига олиб беради. Бундай ҳолатлар жумласига болани етарли даражада тарбиялай олмаслик (яъни, болани нормал дунёқараш, одат, ҳаёт тарзи, хулқ атвор, ҳушмуомалалик ва ҳ.к.) киритилиши мумкин. Бундай ҳолатда унинг сабаблари (масалан, ота-она жамиятдан ажралган ҳолда, яққаланган ҳолда яшаши, турли иллатларга мубтало бўлиши, наркотик моддалар истеъмол қилиши ва ҳ.к.) аҳамиятга эга бўлмайди. Шу билан бирга улар боланинг лозим даражада ҳам жисмонан ҳам маънан ривожланишини таъминлай олмаслигини ҳам кўрсатиш мумкин.

Н.Ф.Имомовнинг фикрича, даъво муддати фуқаролик ҳуқуқининг энг муҳим ҳуқуқий институтларидан бири бўлиб, унинг муҳимлиги шундаки, даъво муддатининг ўтиши юридик факт ҳисобланади. Бинобарин, унинг ўтиши, тарафларда янгидан фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтиради, ўзгартиради ёки бекор қилади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Имомов Н.Ф. Муддатлар ва даъво муддати. Т.: ТДЮИ, 2004.

Оила кодексининг 12-моддасини 1-қисмида оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган талабларга нисбатан даъво муддати жорий қилинмайди, ушбу кодекс билан белгиланган ҳоллар бундан мустаснодир, деган умумий қоида белгиланган. Бу оила ҳуқуқида узоқ муддат давом этадиган шахсий ҳуқуқ билан боғлиқ бўлиб, уларни ҳамма вақт ҳимоя қилиш табиатидан келиб чиқади. Оила муносабатини иштирокчилари амалда бузилган оила ҳуқуқини ҳимоя қилишда вақтинчалик ўткинчи вақт билан чекланмаган.

Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилишни сўраб судга мурожаат қилиш асослари турлича, масалан, вояга етмаган боланинг яшаш жойини белгилаш, бола билан кўришиш ҳуқуқини белгилаш, ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, ота-оналик ҳуқуқини чеклаш ва ҳ.к.

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш боланинг манфаатларини муҳофаза қилиш учун зарур чора ҳисобланади. Бу билан ота-она суд қарорига асосан болани шахсан тарбиялаш ҳуқуқидан маҳрум бўлади ва келажақда болани ундан (уларнинг биридан) олиб қўйиш билан ижро қилинади. Бунда айбдорлик ушбу чорани қўллаш учун мажбурий шарт ҳисобланмайди. Шу билан бирга ота-оналик ҳуқуқини чеклаш муддатли чора бўлиб, ота-оналик ҳуқуқларининг айримларидангина маҳрум бўлишга олиб келади<sup>1</sup>. Бироқ, амалиётда бу борада муайян қийинчиликлар ва муаммолар мавжудлиги кўзга ташланади.

Бу борада суд амалиётига мурожаат қиладиган бўлсак, Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига фуқаро Г. мурожаат қилиб, вояга етмаган 2002 йилда туғилган фарзанди Ю. га нисбатан боланинг онаси Р. Томонидан тан жароҳати етказганлиги (бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, бош тепа соҳалари юмшоқ тўқимиларининг лат ейиши) сабабли оналик ҳуқуқини чеклашни ҳамда боланинг яшаш жойи

сифатида вояга етмаган боланинг отаси даъвогарнинг манзили бўйича белгиланишини сўраб судга мурожаат қилган. Иш материалларидан аниқланишича, вояга етмаган Ю.нинг онаси фуқаро Р. томонидан тан жароҳати етказилган ва бу иш бўйича Ҳамза тумани судининг 2012 йил 17 февралдаги ажрими билан амнистия актига асосан айбланувчининг айбдорлиги масаласи ҳал қилинмаган унинг берган аризасига мувофиқ жинойт иши тугатилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг қарорига асосан, вояга етмаган фуқаро Ю.нинг яшаш жойи унинг отаси фуқаро Г. нинг яшаш жойи билан белгиланган ва оналик ҳуқуқини чеклаш ҳақидаги даъво талаби рад этилган<sup>2</sup>.

Бу ўринда фуқаролик ишини кўриш жараёнида судья томонидан қонун нормалари тўғри ва адолатли қўлланилган деб бўлмайди. Зеро, бу ўринда даъвогар ота-оналик ҳуқуқини чеклашни сўраб мурожаат қилган тақдирда ҳам даъво қаноатлантирилиши ўринли бўлган бўлар эди. Бироқ, даъвогар вақтинчалик муддатга амал қилиши мумкин бўлган таъсир чораси яъни, оналик ҳуқуқини чеклаш ҳақидаги даъвони гарчи, жавобгарнинг айбини тасдиқловчи ҳужжатлар (жинойт иши бўйича суд ажрими) мавжуд бўлсада, оналик ҳуқуқини чеклаш ҳақидаги талабни рад этади.

Ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилиш аввало бола манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилмоғи зарур. Шу билан бирга ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш муайян даражада васийлик ва ҳомийлик органининг фаолиятига, уларнинг ҳуқуқий маданиятига ҳам бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу боисдан улар фаолиятини янада жонлантириш, ота-оналик ҳуқуқларини судсиз ҳам ҳимоя қилиш имкониятини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

---

<sup>1</sup> Мардахаева П.Н. Эффективность норм семейного законодательства о юридической ответственности родителей // Семья и право (к 10-летию принятия Семейного кодекса Российской Федерации): Материалы Международной научно-практической конференции (Москва, 5-6 декабря 2005). 9 с.

<sup>2</sup> Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди архиви. 2012 йил.

Ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилиш бир қатор талабларни қўйишни тақазо этиши мумкин. Жумладан, ота (она) оталикни (оналикни) белгилашни, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва чеклашни, ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ва чеклашни бекор қилишни, боладан алоҳида яшаётган ота-онанинг ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш тартибини белгилашни, болани тарбияга беришни, болани қайтаришни, фарзандликка олишни бекор қилишни талабини қўйиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилишда ота-оналар судсиз тартибда болалар хусусида ўзаро келишувга ҳам эришишлари мумкин. бундай келишувнинг мазмуни турлича, яъни, ота-оналик ҳуқуқи ва мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ барча жиҳатларни қамраб олиши мумкин. Бу борада Оила кодекси мазкур масалаларни тўлақонли ҳал этишга доир қоида белгиланмаган.

Фикримизча, Оила кодексининг 75-моддасига қуйидаги қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ:

“Ота-оналар болаларнинг таълим-тарбиясига, ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш тартиби ва усулларига тааллуқли барча масалаларга доир келишувга эришишга ҳақлидирлир. Мазкур келишув нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Шунингдек Оила кодексининг 44-моддаси иккинчи қисмига қуйидаги хатбоши киритиш мақсадга мувофиқ:

“Никоҳдан ажралгандан сўнг боладан алоҳида яшовчи ота (она)нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартибини белгилаш;”

Оила кодексининг 40-моддаси учинчи қисм сифатида қуйидаги қўшимчани киритиш мақсадга мувофиқ:

“Никоҳдан суд тартибида ажратишда уларнинг умумий вояга етмаган фарзандлари бўлган ҳолларда суд болаларнинг манфаатини ва фикрини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади.”

### **3.2. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш жавобгарлик чораси сифатида**

Вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда уларнинг қонуний вакиллари яъни, ота-оналарининг ўрни бекиёсдир. Бироқ, ҳар доим ҳам қонуний вакиллар томонидан уларнинг ваколатлари рисоладагидек амалга оширилмаслиги, ҳаттоки айрим ҳолларда суиистеъмоллик ҳамда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳам рўй бериши мумкин. Шу боисдан оила қонунчилиги болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилишига нисбатан турлича таъсир кўрсатиши мумкин. Чунончи, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, боланинг ҳаёти ва соғлиғига хавф мавжуд бўлганда болани олиб қўйиш, фарзандликка олишни бекор қилиш, алиментни мажбурий ундириш ва ҳ.к.

1989 йил 20 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 44-сессияси қабул қилган, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 9-моддасига кўра, бола ўз хоҳишидан ташқари ўз ота-оналаридан ажралиши мумкин эмас, фақат бундай ажралиш боланинг манфаати тақазо этганда давлат органлари томонидан суд қарорига асосан қонунчиликда белгиланган ҳолатларда ажралиши бундан мустасно. Бундай чоралар муайян ҳолатларда масалан, ота-оналар болалари билан шафқатсиз муносабатда бўлса, бола ота-онасидан алоҳида яшаётган ҳолларда болани яшаш жойини белгилаш зарурати мавжуд бўлганда зарурат сифатида кўрилиши мумкин<sup>1</sup>.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш асоси сифатида ота-оналарнинг ҳуқуққа хилоф ҳамда айбли ҳаракати ҳамда ҳаракатсизлиги кўрилади. Оила кодексининг 79-моддаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг қатъий асослари кўрсатилган бўлиб, унга кўра ота-она ўзларининг ота-оналик мажбуриятларини бажармасалар, у ҳолда улар ота-

оналик ҳуқуқидан маҳрум этиладилар. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этишлик сўнгги чора бўлиб ҳисобланади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш уларга таъсир қиладиган ҳамма чора-тадбирлар тегишли натижа бермаганидан сўнг қўлланилади.

Ота-она (улардан бири) қуйидаги ҳолларда:

- ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа. Бунда ота-оналар боланинг соғлиғи, маънавий, жисмоний, ақлий, психологик ривожини, унинг моддий маиший таъминоти ва таълим олиши, уни меҳнатга тайёрлаш, болани таъминлашдан бўйин товлаши кузатилади ва бунинг учун бирон бир узрли сабаб мавжуд бўлмайди;

- узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан (масалан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш муассасасидан олишдан) бош тортса. Шундай ҳолатлар ҳам бўлиши мумкинки, жисмоний ва психологик ривожланишда нуқсонли бўлган вояга етмаган болани (отананинг аризасига кўра ёки розилиги асосида) аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасасида бўлади. Ушбу вазиятда ота-оналарни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш мумкин бўлмайди, зеро улар бундай муассасаларда вояга етмаган болани даволатиш ҳуқуқига эга бўладилар;

- ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилса, болаларга нисбатан шавқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса. Бундай вазиятларга болани дўппослаш, кўрқитиш, куч ишлатиш ва ҳ.к. киритиш мумкин. Болаларга нисбатан куч ишлатиш, шавқатсиз муносабатда бўлиш билан бир қаторда болаларни тарбиялашнинг йўл қўйилмаган усулларида фойдаланиш ҳолатлари ҳам учрайди. Бундай усуллар боланинг маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади, унинг инсоний ғурурига путур етказиши, ҳақоратлаш ва

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг қарори 09.12.1992 й. N 757-XII. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси учун 1994 йил 29 июлдан кучга

зўравонликка дучор қилади. Бундай ҳолатларда ота-оналарга нисбатан жинойй жавобгарликка тортиш масаласи ҳам кўрилиши мумкин. Шунингдек, ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилиш (яъни ота-онанинг ўз ваколатларини боланинг манфаатларига зид равишда фойдаланиш, масалан, ўқишига тўсқинлик қилиш, тиланчиликка, ичкиликка ундаш) ҳам ота-оналилик ҳуқуқидан маҳрум қилишга сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддаси иккинчи қисмига кўра, болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилиш энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади<sup>1</sup>.

- муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса. Ота-оналарнинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун уларда ушбу касалликка мубтало бўлганлиги фактини ўзи етарли бўлади, чунки ушбу ҳолат бола учун хавф туғдириши табиий. Бола носоғлом оилавий муҳитга тушиб қолади, ўзи билан ўзи қолиб кетади ҳамда маънавий ва жисмоний қийналади. Бундай ҳолатларда ота-она томонидан болага нисбатан ҳуқуқбузарлик содир этиши мажбурий шарт эмас, бироқ қоида тариқасида одатда учраб туради. Ота-оналарнинг бундай касалликка чалинганлиги экспертиза (наркологик, психиатрия, психологик ва ҳ.к.) асосида аниқланади. Демак, бундай вазиятларда ота-оналарнинг айблари мавжуд бўлмаса ҳам улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилишлари мумкин бўлади. Ота-оналарнинг ушбу ҳолатга тушиб қолишлари одатда уларнинг ўзларининг ҳатти ҳаракатлари натижасида рўй беради.

- ўз болаларининг ҳаёти ва соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жинойт содир қилган бўлса. Ота-оналарнинг

---

кирган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон. 47-модда Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7

ушбу айбли ҳаракатларида қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур бўлади. Биринчидан, ота-онанинг эҳтиётсизлик натижасида жиноят содир этиши (масалан, ўйин вақтида, уй ишларида боланинг соғлиғига шикаст етказиш) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш асоси бўлмайди. Иккинчидан, ота-онанинг айбли ҳолатда қасддан жиноят содир этиши суд томонидан қонуний кучга кирган қарор (ҳукм) асосида аниқланади. Учинчидан, ота-онанинг (ёки улардан бирининг) бошқа шахсларга нисбатан жиноят содир этиши уларнинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Бундан ташқари, ота-оналар гарчи фарзандларига нисбатан қасддан жиноят содир қилмаса ҳам, уларнинг бир бирларига нисбатан (ўғай ота, ўғай она) жиноят содир этиши боланинг маънавий зарар кўришига олиб келиши мумкин. Шу боисдан мазкур ҳолат қонунчиликда алоҳида нормаланган.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш Оила кодексининг 79-моддада кўрсатилган асослардан бирининг мавжуд бўлиши етарли ҳисобланади. Шундай бўлсада, амалиётда ушбу асосларнинг бир нечтаси бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлгандагина ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳолати кузатилади. Масалан, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш, ичкиликбозлик, болаларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш каби ҳолатлар бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган ҳолатда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш чораси қўлланилади.

Суд амалиётига мурожаат этадиган бўлсак, 2014 йил март ойининг 19 куни фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улугбек туманлараро судида даъвогар Д.нинг жавобгар М.га нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Суд мажлисида аниқланишича, даъвогар жавобгар билан 1999 йил 13 ноябр куни қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурган, биргаликдаги турмушларидан 2001 йил 18 март куни туғилган Д., 2003 йил 15 сентябр куни туғилган М. ва 2004 йил 16 март куни туғилган Б. исмли вояга

---

октябрдаги ЎРҚ-355-сонли Қонунига асосан иккинчи қисм билан тўлдирилган ЎР ҚХТ, 2013 й., 41-сон, 543-модда.

етмаган уч нафар фарзанди борлиги, жавобгар билан эр – хотинлик муносабатлари ва умумий рўзғор юритилиши 2008 йил май ойида тугатилганлиги, ҳозирги кунда никоҳдан ажралганлиги, суднинг қарорига асосан жавобгардан унинг фойдасига уч нафар фарзанди моддий таъминоти учун алимент ундирилганлиги, лекин жавобгар вояга етмаган фарзандларининг таълим-тарбияси билан шуғулланмасдан ва уларни моддий жиҳатдан таъминланмасдан келаётганлиги, оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортиб келаётганлигини маълум қилиб, суддан жавобгар М.ни юқорида кўрсатилган вояга етмаган фарзандларига нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишни сўраган. Тарафлар 2011 йил 15 апрел куни никоҳдан ажратилганлар ва бу ҳақда Тошкент шаҳар Чилонзор туман ФХДЁ бўлими томонидан 174-сон билан далолатнома ёзуви қайд этилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улугбек туманлараро судининг қарорига асосан, даъвогар Д.нинг жавобгар М.га нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилган ва фарзандларига нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Тарафларнинг вояга етмаган фарзандлари отаси Д.нинг тарбиясига берилган<sup>1</sup>.

Бу ўринда фуқаролик ишлари бўйича суднинг қарори қонуний қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 23-сонли «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 15-бандига кўра ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлашлик деганда - ота-оналик бурчларини узлуксиз равишда бажармаслик, ўз болаларига қандай бўлмасин ғамхўрлик қилмаслик тушунилади. Алимент тўлаш, ўз болаларини моддий

---

<sup>1</sup> Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улугбек туманлараро суди архиви 1-315/13-сонли фуқаролик иши.

таъминлашдан доимий равишда қочишга уринганлигига ишонч ҳосил қилишликнинг ўзи кифоядир.

Г.С.Инамжанованинг фикрича, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартиби ва шартларини ўрганиш натижалари асосида муаллиф ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масалани қўйиш ҳуқуқига эга бўлган даъвогарлар доираси чекланиши зарур деган хулосага келди. Бундай ишлар вояга етмаганлар ишлари бўйича инспекция, ота-она (улардан бири) ёки боланинг васийси (ҳомийси) берган аризага биноан, шунингдек прокурорнинг даъвоси бўйича қўрилмоғи керак. Бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари бундай илтимос билан вояга етмаганлар ишлари бўйича инспекцияга мурожаат этишлари мумкин, инспекциялар эса зарурат бўлганда судга мурожаат қиладилар<sup>1</sup>.

П.Н.Мардахаеванинг фикрича, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишга доир жавобгарликка 16 ёшдан тортилиши мумкин. Ушбу ёш чегараси оилавий муомала лаёқати ҳажми билан белгиланади ва фуқаролик қонунчилигида белгиланган деликт лаёқати ёши чегараси билан мос келмайди. Чунки, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик чораси ҳисобланмайди. Ўзаро никоҳда бўлган вояга етмаган ота-оналар никоҳга кирган вақтдан бошлаб тўлиқ фуқаролик муомала лаёқатига эга бўлганлиги боис уларнинг ёшидан қатъий назар оилавий ҳуқуқий жавобгарликнинг тўлақонли субъекти сифатида тан олинмоғи зарур<sup>1</sup>.

Фикримизча, бу ўринда муаллифнинг фикрига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки, оилавий ҳуқуқий жавобгарлик ёшини қатъий белгиламаслик ҳам мумкин эмас. Шу боисдан унинг ёш чегараси сифатида никоҳ ёшини ёки эмансипация қилинган вақтини олиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

---

<sup>1</sup> Инамжанова Г.С. Ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқларини оилавий ҳуқуқий ҳимоя қилиш муаммолари. Юрид.фан.номз. дисс... автореф. Т.: ТДЮИ, 2005. 18 б.

Суд амалиётига мурожаат қиладиган бўлсак, 2013 йил март ойининг 29 куни фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улугбек туманлараро судида даъвогар Тошкент шаҳар Юнусобод туман прокурорининг вояга етмаган Г.нинг манфаатларини кўзлаб жавобгар Э.га нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги даъво аризаси кўриб чиқилган.

Судда Тошкент шаҳар Юнусобод туман прокуратураси даъво аризани тўлиқ қувватлаб, вояга етмаган 21.02.1997 йилда туғилган Г.нинг отаси ҳақида маълумотлар ФХДЁ бўлими томонидан онаси Э.нинг кўрсатмасига асосан ёзилганлиги, вояга етмаган Г. туғилганидан бошлаб бегона шахслар хонадонида яшаб келганлиги, Яккасарой туман хокимининг 24.04.2003 йилдаги 517-сонли қарорига асосан вояга етмаган Г. 31-сонли меҳрибонлик уйига жойлаштирилганлиги, ҳозирги кунда Г. 87-сонли ёрдамчи мактабда таълим олаётганлиги, жавобгар Э. вояга етмаган Г. туғилганидан бери фарзанд таълим-тарбияси билан шуғулланмасдан ва уни моддий жиҳатдан таъминланмасдан келаётганлиги, оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортиб келаётганлиги, фарзанд ҳолидан хабар олмаётганлиги, жавобгар Э.нинг қаерда, нима иш билан шуғулланаётганлиги ва ким билан яшаётганлиги ҳақида бирон бир маълумот мавжуд эмаслиги, фарзанднинг отаси йўқлигини маълум қилиб, жавобгар Э.ни юқорида кўрсатилган вояга етмаган фарзандига нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишни сўраган.

Суд мажлисида манфаатдор шахс Тошкент шаҳар Юнусобод тумани васийлик ва хомийлик бўлими вакили даъво аризани тўлиқ қувватлаб, ҳақиқатдан ҳам жавобгар Э. фарзандининг тарбиясида иштирок этмаётганлигини маълум қилиб, жавобгар Э.ни оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишни сўраган. Судга манфаатдор шахс Тошкент шаҳар 31-сонли меҳрибонлик уйи ишончли вакили ариза тақдим этиб, унда жавобгар Э. вояга етмаган 21.02.1997 йилда туғилган Г. исмли фарзандидан бирон бир

---

<sup>1</sup> Мардахаева П.Н. Эффективность норм семейного законодательства о юридической ответственности родителей // Семья и право (к 10-летию принятия Семейного кодекса Российской Федерации):

марта хабар олмаганлигини билдириб, фуқаролик ишини ўзининг иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улугбек туманлараро судининг қарорига асосан жавобгар Э. вояга етмаган 21.02.1997 йилда туғилган Г.га нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ва вояга етмаган Г. Тошкент шаҳар Юнусобод туман васийлик ва ҳомийлик бўлими тарбиясига берилган<sup>1</sup>.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишда тасаввур қилинган ёки гўёки Оила кодексининг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш асоси сифатида кўрсатиладиган асослар ҳисобга олинмайди. Масалан, вояга етмаган бола ҳуқуқбузарлик содир этди ва унинг ушбу ҳуқуқбузарликни содир этиши ота-онасининг айбли ҳулқ атвори билан сабабий боғланмаган бўлади. Табиийки, бундай ҳолларда улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинишлари мумкин эмас.

Таъкидлаш лозимки, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш аниқ фарзандларга нисбатан татбиқ этилади. Бунда ота-оналик ҳуқуқидан ҳали туғилмаган фарзандига нисбатан маҳрум қилиб бўлмайди. Шунингдек, ота-оналик ҳуқуқидан фақатгина ота-онанинг ўзлари маҳрум этилиши мумкин. Ушбу ҳуқуқдан васийлар, ҳомийлар тутинган ота-оналар, фарзандликка олувчилар маҳрум этилиши мумкин эмас. Фарзандликка олувчи томонидан фарзандликка олинганга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлинганда, ота-оналик ҳуқуқи суиистеъмол қилинганда, ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлганда унинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш масаласи эмас балки, фарзандликка олишни бекор қилиш масаласи қўйилиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота (она)лар болага таълим тарбия бериш, боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш, болани бошқа шахслардан ўзига қайтарилишини талаб қилиш,

---

Материалы Международной научно-практической конференции (Москва, 5-6 декабря 2005). 8 с.

<sup>1</sup> Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улугбек туманлараро суди архиви 1-263/13-сонли фуқаролик иши.

болаларга тайинланган пенсия, нафақа, алиментлар ва бошқа тўловларни олишдан, болалардан кейин меросхўр бўлишдан, вояга етганларидан сўнг улардан алимент талаб қилишдан, вояга етмаган болани эмансипация қилишга розилик бериш, фарзандликка беришга розилик беришдан маҳрум бўлади. Мазкур имтиёзлар ва кафолатлардан маҳрум бўлиш айнан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган вояга етмаган шахсга нисбатан амал қилади ва агар уларнинг бошқа фарзандлари бўлса, уларга нисбатан ушбу имтиёз ва кафолатлар сақланиб қолинади.

Шуниси муҳимки, ота-онаси (улардан бири) ўзига нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бола, агар у фарзандликка олинган бўлмаса, турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади, шунингдек ота (она)си ва бошқа қон-қариндошлари билан туғишганлик фактига асосланган барча мулкӣ ҳуқуқларини, жумладан мерос олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Айтиш жоизки, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлиш бола билан қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан маҳрум бўлишга олиб келади, алимент мажбуриятлари бундан мустасно. Шунингдек, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар фарзандликка олувчи, васий (ҳомий) бўлиш, тутинган ота-она бўлиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум бўладилар. Шуниси муҳимки, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Болани ота ёки онасига беришнинг имконияти бўлмаган ёки ота-онанинг ҳар иккаласи ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда, бола васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига олиб берилади. Ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда болани фарзандликка олишга ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган кундан кейин камида олти ой ўтгач йўл қўйилади.

Оилавий ҳуқуқий жавобгарлик чораларига ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, фарзандликка олишни бекор қилиш, васий (ҳомий)ни ўз мажбуриятларини бажаришдан четлаштиришни киритиш мумкин. Мазкур чоралар юридик жавобгарликнинг барча белгиларига эга ҳамда бир хил ҳуқуқий табиат ҳамда оилавий ҳуқуқбузарлик таркибига эга. Унинг ҳуқуқий оқибатлари муайян жазо элементларини ўзида мужассамлаган бўлиб, шахсий номулкий оқибатларни келтириб чиқаради ва бунинг натижасида жисмоний шахс ҳуқуқ лаёқати чекланишига олиб келади. Бу билан оилавий ҳуқуқий жавобгарликни фуқаролик ҳуқуқий ёки бошқа ҳуқуқий жавобгарликдан фарқловчи хусусиятларини кўришимиз мумкин.

Одатда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш сўнгги чора бўлганлиги сабабли ҳам бунинг учун асослар етарли бўлиши, боланинг манфаатига мос келиши каби бир қатор мезонлар мавжуд бўлганлиги сабабли ҳар доим ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш мақсадга мувофиқ бўлавермайди. Шу боисдан Оила кодексига 79<sup>1</sup>-модда сифатида қуйидаги қўшимчани киритиш мақсадга мувофиқ:

79<sup>1</sup>-модда. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги даъво аризасини кўришда суд томонидан огоҳлантириш бериш

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун асослар етарли бўлмаганда суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги даъво аризасини қаноатлантиришни рад этиши ва ота (она)га нисбатан огоҳлантириш беришга ҳақли.

Ота-оналар томонидан уларга нисбатан суднинг огоҳлантириши чиқарилган кундан бошлаб бир йил мобайнида Оила кодексининг 79-моддада назарда тутилган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)нинг содир этилиши уларнинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун асос ҳисобланади.

### **3.3. Ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқларини такомиллаштириш истиқболлари**

Олиб борилган тадқиқот ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳуқуқий тартибга солиш муаммоси махсус ҳуқуқий тадқиқот предмети бўлмаганлиги ҳақида хулоса чиқаришга имконият беради ва кейинги келгусида қонунчиликда ҳал этилиши ҳамда бу борадаги нормаларни яратиш орқали янада такомиллаштиришни талаб этади. Бу ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқларини белгиловчи барча ҳуқуқий асосларга тегишлидир. Чунки шахсий номулкий ҳуқуқлар, уни бузилишидан келиб чиқувчи ҳуқуқий оқибатларни билмасдан туриб оила ҳуқуқи тўлақонли бўлиши мумкин эмас.

Диссертацияда ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлари, оила ҳуқуқида шахсий номулкий ҳуқуқлар тавсифи, ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш, ота-онанинг болаларга таълим-тарбия беришга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш жавобгарлик чораси сифатида ўрганилди. Қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, тарихий ва статистик усуллардан фойдаланиш, унинг назарий қисмини, амалий таснифдаги вазифаларни ҳал этиш билан боғлаш имкониятини берди. Бу эса ҳуқуқий соҳадаги, хусусан амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш учун зарур. Ушбу мақсадда оила ҳуқуқида шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий жиҳатлари ўрганилди, унга оид миллий қонунчиликдаги узулишлар тадқиқ этилди, ҳуқуқий тартибга солишнинг миллий ва хориж тажрибаси қиёсланди.

Ҳозирги кунда мавжуд бўлган муаммолардан бири, оила ҳуқуқида шахсий номулкий ҳуқуқлар алоҳида тадқиқ этилмаганлиги, унга доир назарий қоидалар мукамал тарзда нормаланмаганлигидир.

Оила ҳуқуқида шахсий номулкий ҳуқуқларни муҳофазасига бағишланган қонунларда ҳали жиддий камчиликлар мавжуд:

-уларда бирмунча ечим талаб муҳим муаммолар бор;

-баъзи меъёрларда турли тармоқ ҳуқуқ уларга тегишли норматив қоидалар белгиланади ва тарқоқ ҳолда сочилиб кетган меъёрлар кўпаяди;

-қоидалар асосан номулкий ҳуқуқларга ҳимоя қилишга йўналтирилади (номулкий муносабатларни тартибга солишга камдан-кам йўналтирилади).

-қонунларда белгиланган номулкий ҳуқуқларни ҳимоя усулининг ўзи кўшимча тадқиқни, воситаларни қўллашни талаб қилади;

-бузилган (баҳслашиладиган) ҳуқуқларни ҳимоялаш усулининг ўзи муайян муҳофазага, кафолатга муҳтож, масалан маъмурий органларга шикоят ва хатлар билан мурожаат этиш усули ҳам яхши натижа беравермайди.

Шахсий номулкий ҳуқуқларни тартибга солувчи ҳуқуқий асосларнинг ривожланишидаги бош йўналиш бу ҳуқуқларни янада тўлиқ тартибга солиш ва бу соҳада қонунлар ролини ошириш деб ўйлаймиз. Республикамизда ҳуқуқий давлатни шакллантириш, Ўзбекистоннинг турли мамлакатлар билан ўзаро алоқалари ва ўзаро боғлиқлигининг кенгайиши, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, ташқи иқтисодий, илмий-маданий алоқаларнинг ривожланиши, шунингдек мамлакатимиз ҳуқуқий тизими билан жаҳон ҳуқуқий тизимининг интеграцияси шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳуқуқий тартибга солишда ўз мужассамини топиши лозим.

Ҳозирги вақтда шахсий номулкий ҳуқуқлар қонун чиқарувчи томонидан эътироф этилиши ёки эътироф этилмаслигига қараб табақалаштирилади, бироқ муайян объектив ҳуқуқ қоидаларининг бўлмаслиги субъектив ҳуқуқнинг муайян турини умуман мавжуд эмаслигини акс эттирмаслиги лозим. Шахсий номулкий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, ўзаро таъсир этувчи воситалар, таъсир қилиш ва

амалга ошириш усуллари тизими билан таъминланади. Бу механизм шахсий номулкий муносабатларнинг моҳияти бевосита акс эттирилган ифодаси ҳисобланади, унинг ривожланиш қонуниятига бўйсунди ва биз томонимиздан ҳуқуқий меъёрлар, ҳуқуқий лаёқат ва ҳуқуқий муносабатлар таъсирида қаралади. Шахсий ҳуқуқларнинг ҳар хил турларини тартибга солувчи ва уларни ҳимоя қилиш бўйича меъёрлар Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига алоҳида бобда ўз мужассамини топиши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Шахсий ҳуқуқлар институтини шакллантиришда эса шахсий ҳуқуқларни муҳофаза қилиш тўғрисида умумий қоида белгилаш билан бирга номулкий ҳуқуқларнинг муайян турларини муҳофаза қилишни махсус меъёрларни ҳам мустаҳкамлаш ўринли бўлур эди. Фикримизча, бундай ёндошув ғоят муҳим амалий натижаларга эришишга имкон беради.

Шахсий номулкий ҳуқуқларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги оила қонунчилигини мукаммаллаштиришдаги муҳим йўл ҳимоя усуллари кўллайдиган доиранинг кенгайтишига олиб келади.

Бир қатор ҳолларда бузилган шахсий ҳуқуқни умуман тиклаб бўлмади (масалан, фарзандликка олиш сирини бузилганда), шунинг учун фуқаролик қонунларига авваламбор кейинги бузилишларни огоҳлантиришга йўналтирилган жарима солиш, жумладан, айбдорга жамоатчилик олдида танбеҳ ёки хайфсан бериш жавобгарлик чорасини кўллаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича қонунлар жуда кўп ва хилма-хил. Бунга адвокатура, банк фаолияти, нотариат, тиббиёт, оила, алоқа, почта хизмати, реклама тўғрисидаги ва бошқа қатор қонунларни кўрсатиш мумкин. Нафақат моддий қонун нормалари (ФК, ЖК), балки процессуал қонунлар (ФПК, ЖПК) ҳам бу борада муайян вазифани бажаради. Шахсий номулкий ҳуқуқлар тўғрисидаги нормаларни бундай сочилиб кетгани объектив характерга эга ва у амалда ўзини тўла

оқлайди. Бироқ бу дегани оила ҳуқуқида шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳақидаги меъёрларни муайян тизимга солишга умуман эҳтиёж йўқ деган маънони англатмайди. Ҳозирги кунда амалдаги ФКда бундай тизимнинг ўзига хос пойдевори мавжуд. Бироқ бунинг ўзи етарли эмас. Қонунда шахсий номулкий ҳуқуқларни умумий ҳуқуқий тушунчаси, ҳуқуқ соҳибининг ваколатлари, ҳуқуқининг мазмунини батафсилроқ ўз ифодасини топиши лозим.

Шахсий ҳуқуқларни оилавий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва номулкий ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўриш лозим. Ҳозирги амалдаги жавобгарлик чоралари бир-бирларидан ўзининг ижтимоий тайинланиши, қўллаш асослари, функциялари, амалга ошириш тамойиллари ва бошқа аспектларда фарқ қилади. А.Ниязова қайд қилганидек, бу ҳимоя чоралари ҳуқуқбузарлик оқибатларини бартараф этмайди, қўшимча бурч, мажбурият юкламайди; айб мавжуд бўлмаган ҳолда ҳам қўлланиши мумкин; ҳуқуқи бузилган шахс ўзини ўзи ҳимоя қилиш чораларини кўриши ёхуд ундан воз кечиши мумкин<sup>1</sup>.

Оила қонунчилиги ота-онага боласи учун исмни мустақил танлаш имконини беради. Бироқ, шу вақтга қадар исмнинг қандай бўлиши ва миллий, тарихий, диний ва адабий тилнинг қандай талабларига жавоб беришига доир ягона қоида ишлаб чиқилмаган.

Ҳар бир инсоннинг исми аввало, унинг халқи, миллати, урф одат ва анаъаналари, дини, ижтимоий ҳолати каби ҳолатлар билан боғлиқ бўлади. Халқимизда азалдан бу борада диний қадриятларга таяниб келинган ва янги туғилган болага исм қўйишда оталар ўғити алоҳида ўрин эгаллаган.

Фикримизча, исмни танлаш ҳуқуқига доир қонуний талаблар шакллантирилган бўлиши лозим. Бунда мезон сифатида болаларга нолайиқ, номаълум ҳарфлардан ва сонлардан иборат бўлган исмларни

---

<sup>1</sup> Ниязова А. Гражданско-правовое регулирования личных неимущественных отношений в Киргизской Республике. Автореф. канд. дисс. 13-б.

бермасликка эришиш лозим. Шунингдек, болаларнинг исми уларни ҳақоратловчи бўлмаслиги лозим.

Т.Н.Палькина эр-хотин ўртасидаги шахсий номулкий муносабатларнинг мазмунини улар ўртасидаги шахсий номулкий ҳуқуқлар ташкил қилиб, улар бирон бир чекловга ва баҳоланишга мажбур эмас. Бироқ, оила қонунчилиги таъсири остида улар оила ҳуқуқига ўтади ва бошқа эр (хотин)нинг шундай ҳуқуқи билан чекланади ва уларнинг ўзаро розилиги асосида амалга оширишни тақазо этади. Шу боисдан оилани сақлаш ва шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида оила аъзоларига эр (хотин)нинг шартнома (никоҳ шартномаси) тузиш орқали ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақил белгилашни лозим деб ҳисоблайди<sup>1</sup>.

Оила қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, эр-хотиннинг шахсий номулкий ҳуқуқларини амалга ошириш муаммолари сабаби уларнинг ҳуқуқ билан чегараланганлиги билан боғлиқ. Яъни, эр-хотиннинг шахсий номулкий ҳуқуқларни бажармаганлик учун жавобгарлиги белгиланмаган.

Эр-хотин ўртасидаги шахсий номулкий муносабатлар ҳамда уларнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлари никоҳ шартномасининг предмети бўла олмайди. Бироқ, никоҳ шартномасида эр-хотиннинг хулқ атори ва бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлари билан боғлиқ қоидаларни киритиш фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Шуни қайд этиш лозимки, оилавий ҳуқуқий муносабат доирасида вужудга келган боланинг айрим ҳуқуқлари кейинчалик субъектив фуқаролик ҳуқуқи даражасига ўсиб чиқиши мумкин. Оила кодексининг 69-моддасига кўра, бола исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқ вужудга келганидан сўнг, кейинчалик у фуқаролик ҳуқуқидаги ўз номидаги фуқаролик ҳуқуқий муносабатда иштирок этишига доир ҳуқуққа ўсиб чиқади (Фуқаролик кодекси 19-модда).

---

<sup>1</sup> Палькина Т.Н. Проблемы правового регулирования и реализации личных неимущественных прав супругов // Семейное и жилищное право. - 2009. - № 1.

Бундан ташқари боладан алоҳида яшаётган ота-онанинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ҳам алоҳида ўрганишни талаб қилади. Бу борада ота-оналар келишувга эришишлари ҳам мумкин.

Оила кодексининг 76-моддасига кўра, боладан алоҳида яшаётган ота (она) бола билан кўришиш, унинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиши масаласини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқига эга. Бола билан бирга яшаётган ота (она) боланинг она (ота)си билан кўришишига, агар бундай кўришиш боланинг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар келтирмаса, қаршилик қилмаслиги керак. Ота-она боладан алоҳида яшайдиган ота (она)нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида ёзма равишда келишув тузишга ҳақлидир.

Бундай келишувни фуқаролик ҳуқуқий шартнома сифатида тавсифлаб бўлмайди. Чунки ушбу шартнома фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилишга доир келишув ҳисобланмайди. Келишувдан бошқа мақсад яъни, болага нисбатан мавжуд оилавий ҳуқуқий мажбуриятларни амалга ошириш тартибини аниқлаш ҳисобланади ва буни ўзига хос оилавий ҳуқуқий ҳужжат сифатида кўриш мумкин. Шу боисдан ушбу келишув тарафларига нисбатан мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик келиб чиқмайди. Бироқ, шундай бўлсада, ушбу келишув келгусида вояга етмаган шахс томонидан зарар етказилган ҳолатларда ота-онани жавобгарликка тортиш ҳолатида муҳим роль ўйнаши мумкин. Агар ота-онадан бири мавжуд келишувга зид равишда болани тарбиялашда иштирок этишга қаршилий кўрсатган бўлса, у ҳолда суд томонидан бола бирга яшаётган ота (она)га нисбатан жавобгарликни юклаши мумкин.

Суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаганда айбдор ота-онага нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар қўлланилади.

Суднинг ҳал қилув қарори қасддан бажарилмаган тақдирда суд боладан алоҳида яшаётган ота (она)нинг талабига биноан бола манфаатларини ва унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда болани унга бериш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Фикримизча, Оила кодексига шахсий номулкий ҳуқуқларга доир алоҳида боб мавжуд бўлиши ва унинг номи “Оила ҳуқуқига шахсий номулкий ҳуқуқлар” деб номланиб, унинг таркибида “эр-хотиннинг шахсий номулкий ҳуқуқлари”, “Ота-оналар ва болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари”, “Бошқа оила аъзоларининг шахсий номулкий ҳуқуқлари”, “Оилавий шахсий номулкий ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик” каби моддалар бўлиши мақсадга мувофиқ. Ушбу моддаларнинг Оила кодексига киритилиши оилавий шахсий номулкий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдаги мавжуд бўшлиқлар ҳамда зиддиятларни бартараф этишга хизмат қилган бўлур эди.

## Хулоса

Мазкур магистрлик диссертациясини ёзишда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг [87-моддасига](#) мувофиқ боланинг ҳаётига ёки унинг соғлиғига бевосита хавф туғилганда васийлик ва ҳомийлик органи болани ота-онадан (уларнинг биридан) ёки болани ўз қарамоғига олган бошқа шахслардан зудлик билан олиб қўйишга ҳақлидир, деб кўрсатилган. Фикримизча, нотинч оилалардан болаларни олиб қўйишга доир амалиёт айниқса, одатдаги турмуш тарзи билан яшовчи оилалардан болаларни олиб қўйиш ҳақида чуқур ўйлаб кейин иш кўрмоқ лозим.

Гарчи ювенал юстиция бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлсада, унинг таъсири остида қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, давлат ва жамиятнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатишга йўл қўйиб бўлмайди. Бугунги кунда Европада синовдан ўтказилаётган болаларни оилалардан “ҳолат аниқлангунга қадар”, масалан болага нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганликка доир аноним хабарлар асосида суднинг қарорисиз 25 кундан бир неча ойга қадар олиб қўйиш механизми шахсий номулкий ҳуқуқлар чекланишига олиб келаётганлигини кўришимиз мумкин. Бу борада бизнинг ўзимизга хос бўлган маҳалла институтининг ўрни ва ролдан ўринли фойдаланишимиз лозим. Жумладан, маҳалладаги бенуқсон обрў эътиборга эга бўлган, маънавий соғлом, барчанинг ҳурмат эътиборида бўлган маҳалла аъзоси, оқсоқоли болани вақтинча кимда бўлиши масаласини ҳал қилишда (васийлик ва ҳомийлик органида, суд жараёнида) қатнашиши мақсадга мувофиқ.

2. Ота-оналик ҳуқуқларини амалга оширишда уларнинг ёши ҳамда ҳуқуқлар ҳажми муҳим роль ўйнайди. Шунини таъкидлаш лозимки, айрим ҳолатларда вояга етмаган ҳолда ота-оналик ҳуқуқини қўлга киритиш

мумкин. Ота-оналик ҳуқуқларини амалга оширишда: а) тўлиқ ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган ота-оналар; б) ота-оналик ҳуқуқлари чекланган ота-оналар; в) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлган ота-оналар; г) вояга етмаган ота-оналар фарқланади.

3. Оила кодексининг 10-моддасида “фуқаролар оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларини ўз хоҳишларига кўра тасарруф этадилар”, деб кўрсатилган. Фикримизча, ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқлардан (масалан, умумий мулкни бўлиш, алимент мажбуриятлари ва ҳ.к.) ўз хусусиятига кўра фарқланади. Бу ўринда асосий ўринни боланинг манфаатлари эгаллаганлиги боис, боланинг манфаатларини таъминлашга доир ҳуқуқлар ота-оналар томонидан оқилона шартларда амалга оширилмоғи зарур. Тўғри, боланинг манфаатлари нисбий, чексиз, чегарасиз бўлиши мумкин. Ота-онанинг эса, боланинг барча эҳтиёжларини таъминлашга ҳар доим ҳам имконияти бўлмаслиги мумкин (масалан, касаллиги, кам таъминланганлиги ва ҳ.к.). Шу боисдан ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш айнан боланинг манфаатларига мос равишда ҳамда ота-оналарнинг имконияти доирасида оқилона мезон асосида амалга оширилиши шарт.

4. Тадқиқот давомида ҳуқуқни қўллаш амалиётида оилада ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкый ҳуқуқлари таҳлил қилиш натижасида ота-оналарнинг ўз фарзандларини тарбиялашга доир устунлик ҳуқуқи суд томонидан ҳар доим ҳам инобатга олинмаслиги мумкинлиги ўрганилди. Агар суд болани ота-онасига қайтариш унинг манфаатларига зид деган хулосага келса, боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онанинг даъвосини рад қилишга ҳақли (Оила кодекси 78-моддаси). Қонунчиликда болани ота-онага қайтариш рад этилиши мумкин бўлган сабабларнинг аниқ рўйхати белгиланмаган. Суд учун фақат боланинг манфаатлари ва боланинг фикрини ҳисобга олиш шарт қилиб белгиланган.

Фикримизча, бундай сабаблар сифатида ота-онанинг мавжуд ҳуққ атворидаги, турмуш тарзидаги салбий жиҳатлар боланинг лозим даражада тарбияланиши учун имкон бермаслиги ва боланинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилишига имкон бермайдиган вазиятлар сифатида кўрилиши мумкин.

5. Оила қонунчилиги ота-онага боласи учун исмни мустақил танлаш имконини беради. Бироқ, шу вақтга қадар исмнинг қандай бўлиши ва миллий, тарихий, диний ва адабий тилнинг қандай талабларига жавоб беришига доир ягона қоида ишлаб чиқилмаган. Ота-оналар боласига исмни кўйишда ота-оналар турли омилларга таянишлари мумкин. Бироқ, ҳар бир инсоннинг исми аввало, унинг халқи, миллати, урф одат ва анаъаналари, дини, ижтимоий ҳолати каби ҳолатлар билан боғлиқ бўлади. Фикримизча, исмни танлаш ҳуқуқига доир қонуний талаблар шакллантирилган бўлиши лозим. Бунда мезон сифатида болаларга нолайиқ, халқимизнинг урф одати анаъаналарига зид бўлган, миллий манфаатларга путур етказувчи, номаълум ҳарфлардан ва сонлардан иборат бўлган исмларни бермаслик кўлланилиши лозим. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида иш юритиш тартиби ҳақида Йўриқнома (2013 йил 31 декабрь, рўйхат рақами 2547) га мазкур қоидадан назарда тутувчи алоҳида бўлим киритиш мақсадга мувофиқ.

6. Шахсий ҳуқуқларнинг ҳар хил турларини тартибга солувчи ва уларни ҳимоя қилиш бўйича меъёрлар Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида алоҳида бобда ўз мужассамини топиши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Шахсий ҳуқуқлар институтини шакллантиришда эса шахсий ҳуқуқларни муҳофаза қилиш тўғрисида умумий қоида белгилаш билан бирга номулкий ҳуқуқларнинг муайян турларини муҳофаза қилишни махсус меъёрларни ҳам мустаҳкамлаш ўринли бўлади. Фикримизча, бундай ёндошув ғоят муҳим амалий натижаларга эришишга имкон беради.

7. Ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилишда ота-оналар судсиз тартибда болалар хусусида ўзаро келишувга ҳам эришишлари мумкин. Бундай келишувнинг мазмуни турлича, яъни, ота-оналик ҳуқуқи ва мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ барча жиҳатларни камраб олиши мумкин. Бу борада Оила кодексига мазкур масалаларни тўлақонли ҳал этишга доир қоида белгиланмаган. Фикримизча, Оила кодексининг 75-моддасига қуйидаги қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ:

“Ота-оналар болаларнинг таълим-тарбиясига, ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш тартиби ва усулларига тааллуқли барча масалаларга доир келишувга эришишга ҳақлидирлир. Мазкур келишув нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

8. Оила кодексининг 44-моддаси иккинчи қисмига қуйидаги хатбоши киритиш мақсадга мувофиқ:

“Никоҳдан ажралгандан сўнг боладан алоҳида яшовчи ота (она)нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартибини белгилаш;”

Оила кодексининг 40-моддаси учинчи қисм сифатида қуйидаги қўшимчани киритиш мақсадга мувофиқ:

“Никоҳан суд тартибида ажратишда уларнинг умумий вояга етмаган фарзандлари бўлган ҳолларда суд болаларнинг манфаатини ва фикрини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади.”

9. Оила кодексига 79<sup>1</sup>-модда сифатида қуйидаги қўшимчани киритиш мақсадга мувофиқ:

“79<sup>1</sup>-модда. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги даъво аризасини кўришда суд томонидан огоҳлантириш бериш

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун асослар етарли бўлмаганда суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги даъво аризасини қаноатлантиришни рад этиши ва ота (она)га нисбатан огоҳлантириш беришга ҳақли.

Ота-оналар томонидан уларга нисбатан суднинг огоҳлантириши чиқарилган кундан бошлаб бир йил мобайнида Оила кодексининг 79-моддада назарда тутилган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)нинг содир этилиши уларнинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун асос ҳисобланади.”

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Рахбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008, -23 б.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. -56 б.
3. Каримов И.А. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги бошқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011-йилнинг асосий яқунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2012 йил. 19 январь.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси//Халқ сўзи, 2013 йил.
5. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. /Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

### II. Қонун ва қонун ости меъёрий ҳужжатлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон. 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2013. -526 б. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 222-модда).
3. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисидаги қарори. –Т.: 2000. 53-б.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 1-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 октябрдаги “Болаларни тарбиялашни такомиллаштиришга, соғлом ва

баркамол авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 280-сон қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 42-сон, 452-модда

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 268-сон қарори. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 48-сон, 445-модда; 2014 й., 23-сон, 269-модда.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида”ги қарори 09.12.1992 й. N 757-ХП. Ўзбекистон Республикаси учун 1994 йил 29 июлдан кучга кирган.

### **III. Халқаро ҳуқуқий манбалар ва хорижий давлатларнинг қонунлари:**

1. Конституции зарубежных государств. М.: 1997. с.445.
2. Конституции государств европейского союза. //Под ред. Л.А.Окунькова.- М.: 1997. С.351.

### **IV. Асосий адабиётлар:**

1. Антокольская М.В. Семейное право.-М.: Юристь, 2003. -182 с.
2. Беспалов Ю.Ф. Семейно-правовое положение ребенка в Российской Федерации. Владимир, 2000. 81-85 с.
3. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. -614 б.
4. Имомов Н.Ф. Муддатлар ва даъво муддати. Т.: ТДЮИ, 2004.
5. Красавчикова Л.О. Понятие и система личных неимущественных прав граждан в гражданском праве РФ. –Екатеринбург. 1994. 9-б.
6. Муаллифлар жамоаси //Ҳ.Р.Раҳмонқулов, О.Оқюловларнинг таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. I жилд. –Тошкент: Vektor press, 2010. -816 б.
7. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. (Монография). – Т.: Шарқ, 2002. –320 б.
8. Отахўжаев Ф., Юлдашева Ш. Оила ҳуқуқи. Дарслик. Т.: ТДЮИ, 2009. 90 б.
9. Пчелинцева Л.М. Семейное право России. Учебник для вузов. 3-е издание. –Москва: Норма, 2004. -688 с.
10. Раҳмонқулов Х. Фуқаролик: ҳуқуқлар, эркинликлар, бурчлар, -Т.: Ўзбекистон. 1991. 85-б.

## **VI. Журнал мақолалари:**

1. Бурханова Л., Гофуров А. Развитие и реализация права частной собственности в условиях перехода Республики Узбекистан в рыночном отношении. //Хўжалик ва ҳуқуқ. 2004. -5-сон. –Б.20-22.
2. Инамджанова Г.С. Вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш.// Давлат ва ҳуқуқ.2001.№3. -Б.14-16.
3. Кожевникова Н.Г. Охрана жилищных прав несовершеннолетних //Материалы Научной сессии, г. Волгоград, 20-27 апреля 2003 г. Вып. 1: Право. - Волгоград: Изд-во ВолГУ, 2003. -248 с.
4. Мардахаева П.Н. Эффективность норм семейного законодательства о юридической ответственности родителей //Семья и право (к 10-летию принятия Семейного кодекса Российской Федерации): Материалы Международной научно-практической конференции (Москва, 5-6 декабря 2005). 9 с.
5. Мардахаева П.Н. Эффективность норм семейного законодательства о юридической ответственности родителей //Семья и право (к 10-летию принятия Семейного кодекса Российской Федерации): Материалы Международной научно-практической конференции (Москва, 5-6 декабря 2005). 8 с.
6. Палькина Т.Н. Проблемы правового регулирования и реализации личных неимущественных прав супругов //Семейное и жилищное право. - 2009. - № 1.
7. Старосельцева М.М. К вопросу о принципах осуществления родительских прав //Современное право. 2008. № 11. -26 с.
8. Тимошина Е.М. Правовой анализ целесообразности внедрения ювенальной юстиции в России. //Проблемный анализ и государственно-управленческое проектирование. 2012. Выпуск №1, том 5. Стр.87-99.

## **VII. Диссертациялар ва авторефератлар:**

1. Имомов Н.Ф. Интеллектуал мулк объекти сифатида янги нав ва зотнинг ҳуқуқий мақоми. Ю.ф.д.дисс... Тошкент: ТДЮИ, 2012. 325 б.
2. Инамжанова Г.С. Ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқларини оилавий ҳуқуқий ҳимоя қилиш муаммолари. Юрид.фан.номз.дисс... Тошкент: ТДЮИ, 2005. 145 б.
3. Мухаммадиев А. Бозор муносабатлари шароитида фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг амал қилиши. Юрид.фан.номз.дисс.... Т.: ТДЮИ, 2006. 75 б.
4. Насриев И. Шахсий номулкий ҳуқуқлар мазмуни, уларни амалга ошириш ва кенгайтириш истиқболларининг фуқаролик-ҳуқуқий масалалари. Ю.ф.д.дисс... Тошкент: ТДЮИ, 2006. 150 б.

5. Ниязова А. Гражданско-правовое регулирования личных неимущественных отношений в Киргизской Республике. Автореф. канд. дисс. 6-7-б.
6. Оқюлов О. Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий мақоми. Ю.ф.д.дисс... Тошкент: ТДЮИ, 2000. 325 б.
7. Палькина Т.Н. Личные неимущественные права и нематериальные блага в гражданском и семейном праве Российской Федерации: Проблемы теории и практики. Автореф. Дисс...на соис.уч.степ.канд.юрид.наук. -М.,2009. -17 с.
8. Тошев Б. Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг қонуний асослари ва шакллари. Ю.ф.н.дисс... Тошкент: ТДЮИ, 1999. 150 б.
9. Умаров Т. Фуқароларнинг шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва уларни фуқаролик ҳуқуқий воситаларида ҳимоя қилиш. Ю.ф.н.дисс... Тошкент: ТДЮИ, 1999. 152 б.
10. Хасанов А.А. Ўзбекистон Республикасида шахсий номулкӣ ҳуқуқларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳимоя қилишнинг айрим муаммолари. Ю.ф.н.дисс... Тошкент: ТДЮИ, 2001. 150 б.
11. Шорахметов Ш. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашда фуқаровий суд ишларини юритиш муаммолари. Ю.ф.д.дисс... Тошкент: ТДЮИ, 1995. 310 б.
12. Эсанова З.Н. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. юрид.фан.номз.дисс. –Т.: 2005. -28 б.

### **VIII. Интернет ресурслар:**

1. [www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)
2. [www.pravo.uz](http://www.pravo.uz)
3. [www.yuridlit.ru](http://www.yuridlit.ru)
4. [www.law-edu.ru](http://www.law-edu.ru)

### **IX. Суд амалиёти материаллари:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарори. 1998 йил 11 сентябрь, 23-сон.
2. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро суди архиви 1-4972/14-сонли иш.
3. Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улугбек туманлараро суди архиви 1-315/13-сонли фуқаролик иши.

4. Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улугбек туманлараро суди архиви 1-263/13-сонли фуқаролик иши.
5. Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди архиви. 2012 йил.